



Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти

Сурхондарё вилоятини иқтисодий ривожлантириш йўналишлари

3 Худудни ривожлантириш
концепцияси
(Узун шаҳарчаси мисолида)

14 Қуёш коллекторлари ва қуёш
панеллари ўрнатишни
оммалаштириш йўналишлари

21 “Марказий Осиё
цивилизациясини
ўрганамиз” турпакетининг
концепцияси

29 Сурхондарё вилоятига
салоҳиятли кадрларни
жалб этиш

36 Сурхондарё вилоятида
чўл-дашт худудларидаги
бўш ерлардан оқилона фойдаланиш

44 Фармацевтика саноати учун
доривор ўсимликлар
етиштириш имкониятлари

55 Чарм саноатини ривожлантириш
акселераторини йўлга қўйиш

65 Сурхондарё вилоятида фойдали қазилма
конларини ўзлаштиришга
инвестицияларни жалб этиш

The logo for IMRS (Institute for Macroeconomic and Regional Studies) features the letters 'IMRS' in a bold, white, sans-serif font, centered within a red rectangular background.

Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти

Узун шаҳарчасини ривожлантириш концепцияси

Ҳудудни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш: Узун шаҳарчаси мисолида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти (МҲТИ) мутахассислари томонидан Узун шаҳарчасининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилиниб, захира имкониятларга кўра, ривожлантириш драйверлари асосида концепция ишлаб чиқилди.

Концепцияни ишлаб чиқишда шаҳарчанинг ривожланиш тенденциялари, хусусан, хизматлар соҳасининг ривожланиши, туризм салоҳияти, уй-жой қурилиши ва экологик муаммоларга эътибор қаратилди. Таҳлиллар натижасида шаҳарчанинг рақобат устунликлари аниқланди ва ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Узун тумани Тожикистон билан темирйўл орқали боғланган ва шаҳарчада Сариосиё темирйўл станцияси мавжуд бўлиб, Душанбе-Тошкент поезди қатнови йўлга қўйилган. Шаҳарча Сариосиё аэропортига яқин жойлашган. Шуларни инобатга олиб, тадқиқот давомида қўйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- темирйўл бекати, Сариосиё аэропорти ва назорат-ўтказиш пункти имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали туризмни шаҳарчани ривожлантириш драйверига айлантириш;

- туманнинг чорвачиликдаги салоҳиятидан фойдаланиб шаҳарчада сутни қайта ишлашни йўлга қўйиш;

- ўқув-ишлаб чиқариш ҳудудларини ташкил этиш орқали шаҳарчада ишсизликни камайтириш.

Концепциянинг асосий йўналишлари

1. Иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш даражасини ошириш.

■ Узун тумани вилоятда йирик шохли қорамоллар сони (79,8 минг бош) бўйича 6-ўринда, сигирлар сони (32,8 минг бош) бўйича 3-ўринда туради. Шунингдек, туманда 47,7 минг га пичанзор ва яйловлар мавжуд бўлиб, етиштирилган 71,4 минг тн сутдан атиги 7,6 фоизи қайта ишланади. Тадқиқотда шаҳарчада сутни қайта ишловчи корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ва қиймат занжири узлуксизлигини таъминлаш механизми ишлаб чиқилди.

2. Мавжуд инфратузилма имкониятларидан самарали фойдаланиш.

Узун шаҳарчаси айтиб ўтилганидек, Сариосиё темирйўл станцияси ва Сариосиё аэропортига яқин (9 км.) жойлашган.

Турсунзода тумани марказидан Душанбе аэропортигача бўлган масофа (63 км.) Сариосиё аэропортигача бўлган масофадан икки баробар кўп. Тадқиқотда темирйўл бекати, Сариосиё аэропорти ва назорат-ўтказиш пункти имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали туризмни шаҳарчани ривожлантириш драйверига айлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Туризмни шаҳарчани ривожлантириш драйверига айлантириш

Турсунзода тумани Узун шаҳарчаси учун потенциал бозор вазифасини бажаради:

■ Душанбе-Тошкент поезда йўловчиларининг ката қисми поездга Турсунзода туманидан чиқади. Поезд станцияда 40 дақиқа тўхтаб ўтади;

■ Чегара савдо зонасини ташкил этиш йирик харидлар учун Деновга борувчи Узун тумани аҳолисини ҳам жалб этади.

Чегара ҳудудлар аҳолисини жалб этиш учун амалга ошириладиган тадбирлар:

■ Тожикистондаги элчихона воситасида тарғибот ишларини олиб бориш;

■ Душанбе - Тошкент поездининг Узун шаҳрида тўхтаб туриш вақтини 20 дақиқага узайтириш;

■ Узун ва Сарносиё шаҳарчалари орасида мунтазам автобус қатновини йўлга қўйиш.

Сарносиё аэропорти Узун шаҳарчаси учун ҳам ривожланиш имкониятларини яратади:

Жаҳон Банки маълумотларига кўра, 2018-йилда Тожикистон аҳолисининг 0,3 фоизи (31 000 киши) мамлакат аэропортларидан учиб кетган. Бу нисбат Турсунзода тумани учун ҳам ўринли деб ҳисобланса, тарғибот ишлари натижасида Сарносиё аэропортидан фойдаланиш учун Узун ва Сарносиё шаҳарчаларига Турсунзодадан йилига ўрта ҳисобда қўшимча 1021 нафар сайёҳ келади. Тошкентдан халқаро рейслар Душанбедан учишга қараганда арзонроқ. Масалан, Душанбе-Дубай рейси учун чипта нархи 300 АҚШ долларидан юқори бўлса, Тошкент- Дубай йўналишида чипта нархи 80 АҚШ долларидан бошланади.

Концепциянинг қисқача мазмуни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023 — 2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-299-сон қарорига кўра, шаҳарлар (шаҳарчалар) ва шаҳар атрофи зоналари интеграцияси асосида шаҳарларнинг (шаҳарчаларнинг) бош режалари, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан

ривожлантириш схемалари, ҳудудларнинг аниқ муаммоларини бартараф этишга йўналтирилган, ўзида шаҳарсозлик, ижтимоий-иқтисодий, экологик ва бошқа лойиҳа ечимларини мужассамлаштирган мастер режалари ёки батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқиши белгиланган.

Қарорга асосан, Сурхондарё вилояти Узун тумани маркази ҳисобланган Узун шаҳарчасининг бош режаси 2024-йилда ишлаб чиқиши белгиланган.

Концепция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти** томонидан институтнинг 2024-йилга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида ишлаб чиқилган. Концепцияни ишлаб чиқишда шаҳарчанинг ривожланиш тенденциялари, хусусан, хизматлар соҳасининг ривожланиши, туризм салоҳияти, уй-жой қурилиши ва экологик муаммоларга эътибор қаратилган. Таҳлиллар натижасида шаҳарчанинг рақобат устунликлари аниқланди ва

ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Узун тумани Тожикистон билан темирйўл орқали боғланган ва шаҳарчада Сариосиё т.й. станцияси мавжуд бўлиб, Душанбе-Тошкент поезда қатнови йўлга қўйилган. Шаҳарча Сариосиё аэропортига яқин жойлашган. Шуларни инобатга олиб, тадқиқотда

- темирйўл бекати, Сариосиё аэропорти ва назорат-ўтказиш пункти имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали туризмни шаҳарчани

ривожлантириш драйверига айлантириш;

- туманнинг чорвачиликдаги салоҳиятидан фойдаланиб шаҳарчада сутни қайта ишлашни йўлга қўйиш;
- ўқув-ишлаб чиқариш ҳудудларини ташкил этиш орқали шаҳарчада ишсизликни камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.


Концепцияда келтирилган фикрлар тавсиявий характерга эга бўлиб, Узун шаҳарчасининг бош режасини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.



Худудни ривожлантириш концепцияси (Узун шаҳарчаси мисолида)

Шаҳарчада сутни қайта ишловчи корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ва қиймат занжири узлуксизлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш

Узун туманининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркиби



Туманининг мавжуд потенциали



Потенциалдан фойдаланиш даражаси



Тадқиқот йўналишлари


Шаҳарча ҳамда атрофидаги туманлар аҳолисининг сут маҳсулотларига талабини ўрганиш;

Сут йиғиш жараёнини оптимал ташкил этиш вариантини ишлаб чиқиш;

Ишлаб чиқаришни оптимал жойлаштириш сценарийларини тузиш;

Сутни қайта ишлашнинг қиймат занжири узлуксизлиги механизмини ишлаб чиқиш

Сутни қайта ишлашнинг қиймат занжири



Худудни ривожлантириш концепцияси (Узун шаҳарчаси мисолида)

Темир йўл бекати, Сариосиё аэропорти ва назорат-ўтказиш пункти имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали туризмни шаҳарчани ривожлантириш драйверига айлантириш

Турсунзода тумани Узун шаҳарчаси учун потенциал бозор вазифасини бажаради

- кўп аҳоли **Душанбе-Тошкент поездига** Турсунзода туманидан чиқади. Поезд станцияда **40 дақиқа** тўхтаб ўтади;
- Боботоғ **назорат-ўтказиш пункти** фаолияти йўлга қўйилган;
- чегара савдо зонаси** ташкил этиш йирик харидлар учун Деновга борувчи Узун т. аҳолисини ҳам жалб этади.



Чегара ҳудудлар аҳолисини жалб этиш учун куйидаги тадбирлар амалга оширилиши керак

- Тожикистондаги **элчихона** воситасида **тарғибот ишларини** олиб бориш;
- Душанбе-Тошкент поездининг** Узун шаҳрида тўхтаб туриш вақтини **20 дақиқага** узайтириш;
- Узун ва Сариосиё шаҳарчалари орасида **мунтазам автобус қатновини** йўлга қўйиш.



Сариосиё аэропорти Узун шаҳарчаси учун ҳам ривожланиш имкониятлари яратади



Аэропортдан фойдаланиш учун **Узун ва Сариосиё шаҳарчаларига** Турсунзода туманидан йилига ўрта ҳисобда **қўшимча 1021 та** турист келади;

чегара савдо зонаси ва поезднинг тўхтаб туриш вақтининг узайиши ҳисобига **савдо айланмаси** ҳажми ортади;

Тожикистоннинг баъзи ҳудудлари учун Душанбе аэропортидан кўра Сариосиё аэропорти яқин




Тошкентдан учиш Душанбедан учишга қараганда арзонроқ




- > 300\$ Душанбе – Дубай
- > 80\$ Тошкент – Дубай
- > 320\$ Душанбе – Истанбул
- > 230\$ Тошкент – Истанбул

Душанбе-Тошкент поездиге Узун шаҳарчасида тўхтаб ўтади. Поезднинг кутиш вақти 3 дақиқани ташкил этади




Тожикистон Республикаси, хусусан, Турсунзода тумани аҳолиси шаҳарчада ташқи туризмни ривожлантириш учун потенциал мижозлар бўлиши мумкин.



...шунингдек, шаҳарчада ташкил этиладиган турфирмалар **Боботоғ этакларида** ҳордиқ чиқариш, **миллий табиат боғида** сайр қилиш, тоғ туризми каби йўналишларда ўз хизматларини ички туристларга ҳам таклиф этишлари мумкин.





Худудни ривожлантириш концепцияси (Узун шаҳарчаси мисолида)

Ўқув-ишлаб чиқариш зоналари, йўл бўйи хизмат кўрсатиш ва туризм хизматлари зоналари шаҳарчани ривожлантиришнинг драйверлари бўлади.



- 1 **Йўл бўйи хизмат кўрсатиш зонаси.** Худудда вулканизация, савдо дўконлари, ресторан, ёқилғи қуйиш шохобчалари жойлашган. Зарядлаш станциялари, автоматлашган савдо киосклари, транспорт воситалари ижара хизматлари йўлга қўйилиши лозим.
- 2 **Ўқув-ишлаб чиқариш зонаси.** Худудда маиший хизмат кўрсатиш КХК, талабалар ётоқхонаси, худудий электр тармоқлари корхонаси, тикувчилик цехи жойлашган. Шунингдек, йўл бўйи хизмат кўрсатиш зонасига яқин жойлашгани туфайли худудда хизмат кўрсатишга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш зонаси ташкил этиш мумкин.
- 5 **Кўп қаватли уйлар.** Худудда кўп қаватли уйлар қурилиши бошланган. Шунингдек, яқна тартибдаги уй-жойлар, фойдаланилмаётган ва самарасиз фойдаланилаётган ер майдонлари мавжуд.
- 7 **Кўнгилочар масканлар.** Худудда истироҳат боғи, ресторан, фаст фуд, меҳмонхона, китоблар ва совғалар дўкони жойлашган. 4P108 йўлига ва кўп қаватли уйларга яқин жойлашув худуд жозибadorлигини оширади.
- 8 **Маъмурий худуд.** Худудда туман ҳокимлиги, прокуратура, солиқ идораси, халқ қабулхонаси, молия бўлими, мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда мактаб ва боғча каби ижтимоий объектлар жойлашган. Келгусида давлат ташкилотларини ушбу худудларда жамлаш аҳолига қулайлик яратади.
- 9 **Саноат зонаси (таклиф).** Худудда пахта тозалаш заводи, шифер заводи жойлашган. Худудга темир йўл тармоғи кириб боргани инвестицион жозибadorликни оширади.
- 10 **Ўқув ишлаб чиқариш зонаси.** Худудда қишлоқ хўжалик КХК, ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги жойлашган. Сутни қайта ишлаш лойиҳасини бу худудда жойлаштириш орқали ўқиш ва ишлаб чиқаришни биргаликда олиб бориш имкони яралади. Худудда фасолият олиб бораётган мономарказ ишсиз аҳолини жалб этишга қўмаклашади.
- 11 **Туризм хизматлари зонаси.** Худудда Тожикистон, Денов, Термиз такси бекатлари, ёқилғи қуйиш шохобчаси, темир йўл вокзали, вокзал чиптахонаси, банклар, меҳмонхона, компьютер хизматлари маркази жойлашган. Худуднинг 4P108 йўлига ва кўнгилочар масканларга яқинлиги жозибadorлигини оширади. Турфирмалар биноларини мазкур худудга жойлаштириш лозим.
- 12 **Савдо марказлари.** Худудда деҳқон озиқ-овқат бозори, чорва ҳайвонлари бозори, омухта ем омбори (дўкони), автомобил эҳтиёт қисмлари дўкони, кўплаб савдо дўконлари ва умумий овқатланиш жойлари мавжуд. Худуддаги ва унга туташ аҳоли хонадонларида ҳам бозор хизматлари кўрсатилади. Чойхоналар, мрамар тошга ёзиш устaxonалари бунга мисол бўлади.
- 13 **Эко худудлар.** Бу турдаги худудлар дарахтзор, спорт-соғломлаштириш марказлари, қишлоқ хўжалиги тоифасидаги ерлар, сақланиб келаётган яшил худудлар, масалан, қабристонларни ўз ичига олади. Келгусида бу худудларнинг майдони қисқартирилмаслиги ва босқичма-босқич трансформация қилиб борилиши лозим. Яъни ҳозирда экинлар етиштириладиган худудлар шаҳар истиқболи юзасидан шаҳар боғларига айлантирилиши мумкин.

The logo for the Institute for Macroeconomic and Regional Studies (IMRS) is displayed in white text on a red rectangular background.

Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти

Сурхондарё вилоятида гелиоколлектор ва қуёш панелларини ўрнатишни оммалаштириш

Сурхондарё вилоятида қуёш коллекторлари ва қуёш панеллари ўрнатишни оммалаштириш йўналишлари

Сурхондарё вилояти қуёш энергиясидан фойдаланиш учун айниқса қулай бўлиб, қуёш энергиясини ишлаб чиқариш борасида мамлакатнинг энг истиқболли ҳудудларидан бири ҳисобланади (йилига 320 га яқин қуёшли кунга эга). Бунда бир панелга тўғри келадиган ўртача электр энергияси ишлаб чиқариш хажми йилига 1680-1700 кВт*соатни ташкил қилади¹. Қуёш коллекторлари ва панелларини оммалаштириш орқали вилоятдаги аҳолининг анъанавий энергия манбаларига қарамлигини сезиларли даражада камайтириш мумкин, бу эса энергия эҳтиёжларини қондириш учун янада барқарор ва тежамкор ёндашувга олиб келади.

Жорий вазият таҳлили

Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансида кучли номутаносиблик мавжуд. Жорий йилнинг 1-январь ҳолатига кўра, вилоятда хонадонлар сони 531,4 мингтани, улгуржи истеъмолчилар сони эса 30,1 мингтани ташкил қилиб, сўнгги 5 йил давомида электр энергияси истеъмоли 22,6 фоизга ошиши кузатилган. Вилоятда маҳаллий энергия мустақиллигини таъминлаш мақсадида аҳоли хонадонлари ҳамда тадбиркорлик субъектларига қуёш панеллари ва коллекторларини ўрнатиш бўйича тарғибот ишлари кенг амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида 2024-йил бошидаги ҳолатга кўра, вилоятда 734 та тадбиркорлик субъектида 8933,2 кВт қувватли ҳамда 694 та давлат муассасасида 12171,7 кВт қувватли станциялар рўйхатга олинган. Мазкур кўрсаткич уй хўжаликлари миқёсида

2805 та хонадон, яъни умумий қуввати 7713,2 кВт станцияларни ташкил этади.

Ўрнатилган қуёш панеллари қуввати кесимида таҳлил қилинганда тадбиркорлик субъектлари орасида 3 кВт дан 5 кВт гача бўлган қуёш панеллари энг оммалашгани ва 26 фоизни, 1 кВт дан 3 кВт гача бўлганлари 25 фоизни, 10 кВт дан 3 кВт гача бўлганлари 20 фоизни ташкил қилишини кўриш мумкин. Уй хўжаликлари кесимида эса қуввати 1 кВт дан 3 кВт гача бўлган қуёш панеллари энг оммалашгани ва 44 фоизни ташкил этишини, қуввати 3 кВт дан 5 кВт гача бўлганлари 17 фоизни, 0,5 кВт дан 1 кВт гача бўлганларининг улуши ҳам 17 фоизни ташкил этишини кўриш мумкин.

Сўров натижалари

Сурхондарё вилоятида қуёш коллекторлари ва панелларини ўрнатишнинг тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида тарғиб қилиниш даражасини баҳолаш мақсадида ЎзР. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти томонидан аҳоли ва корхоналар орасида сўров ўтказилди.

Сўровда тадбиркорлик субъектларидан жами 1102 нафар ва уй хўжаликларидан 388 нафар респондент иштирок этиб, ҳудудда қуёш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ фикрларини билдирди. Уларнинг 61,3 фоизини яқка тартибдаги тадбиркорлар, 20,3 фоизини давлат корхоналари ва 18,3 фоизини йирик саноат корхоналари вакиллари ташкил этди. Қуёш технологиясининг мавжуд афзалликларига қарамай, тадбиркорлик субъектларининг фақатгина 30,9 фоизи ўз биноларига қуёш панеллари ёки коллекторларини ўрнатган.

¹ <https://minenergy.uz/ru/news/view/3433>

Уларнинг асосий қисми (75,2 фоизи) қуёш ускуналарини қаердан сотиб олиш ва унинг афзалликлари ҳақида маълумотга эга эканлиги, 62,8 фоизи келгуси уч йил ичида қуёш панеллари ёки коллекторларини ўрнатиш ният борлигини билдирган. Қуёш панеллари ва коллекторларидан фойдаланиш ҳақиқатан ҳам иқтисодий самарадор, деб ҳисоблайсизми, деган саволга респондентларнинг қарийб ярми (50,9%) ижобий, 28,7 фоизи салбий муносабатдалиги, 20,4 фоизи бу ҳақида маълумотга эга эмаслигини билдирган. Шу билан бирга респондентларнинг 50,9 фоизи қуёш панеллари ва коллекторлари ҳақиқатан ҳам харажатларни қисқартиришига ишонса, 28,7 фоизи бунга ишончсизлик билдирган.

Уй хўжаликлари вакилларида қуёш панеллари ва коллекторлар ўрнатган танишлари тавсияси ҳақида сўралганда 41 фоиз киши танишлари ўрнатганидан мамнун эканлигини, 36,6 фоизи бундай танишлари йўқлиги ҳамда 22,4 фоизи ўрнатганларидан пушаймонлигини айтган. Сўровда иштирок этганларнинг 56,4 фоизи келгуси 2 йил ичида хонадонига қуёш панеллари ёки коллекторларини ўрнатишни режалаштирган.

Қуёш технологияларидан фойдаланишдаги тўсиқлар ҳақида сўралганда, респондентларнинг аксарияти мазкур қурилмалардан фойдаланишдаги асосий тўсиқлар сифатида нарх қимматлиги (65,2%), самарасиз деб ҳисоблаши сабабини (27,1%), эҳтиёж йўқлигини (14,9%) ва амалда кўрмаганлигини (13,7%) таъкидлаган.²

Уй хўжаликларида қўшимча фикр ва таклифлар сўралганда жавобларнинг аксарияти да

нархларнинг қимматлиги, хизмат кўрсатувчи устахоналарнинг ташкил этилмагани, қурилмаларнинг самарасизлиги ҳамда белгиланган тақдирлаш механизмлари тўлиқ ишламаганлиги билан боғлиқ бўлди.

Таклифлар

1. Қуёш технологиялари бўйича таълим кампанияларини ташкил этиш ва семинарлар ўтказиш.
2. Аҳолининг қуёш панеллари ва гелиоколлекторларни ўрнатишга ишончини ошириш учун қуёш панеллари билан боғлиқ кафолат хизматини яхшилаш ҳамда сотувдан кейинги хизмат кўрсатишни такомиллаштириш.
3. Қуёш технологиялари сифатини назорат қилиш учун стандартлар ва сертификатлаш механизмларини жорий этиш.
4. “Яшил” энергия бозорида суғурта тизимини яратиш.
5. Сурхондарёда қуёш технологияларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.
6. Бинолар ва уй хўжаликларининг энергия аудитини ташкил этиш.
7. Қуёш панеллари сифатини таъминлаш мақсадида божхонадан кириб келаётган панеллар сифатини “El-tester”лар воситасида текшириш.

²Респондентларга бир неча жавоб вариантларини танлаш имкони берилган

Гелиоколлектор ва қуёш панелларини ўрнатиш

Мавжуд тузилма ҳолати

Соҳанинг давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши

- Қуёш панеллари учун — **6,6 млн** сўмгача, қуёш сув иситкичлари учун — **2,3 млн** сўмгача субсидия;
- Давлат томонидан 1 кВт*соат учун **1000** сўмдан кафолатланган сотиб олиш;
- Ер ва мулк солиғи имтиёзи (қурилма ўрнатилган майдон): жисмоний шахслар учун – **3 йил**; тадбиркорлар учун – **10 йил**;
- 2022-йилда energymarket.uz ягона **платформаси** яратилган.

Ўрнатилган панелларнинг платформага уланиш даражаси пастлиги

- Сурхондарё вилоятида "Яшил энергия" дастури доирасида ўрнатилган қуёш панеллари қуввати- **41,66 МВт**, бундан платформага киритилгани **29,8 МВт (70%)**

Жорий вазият таҳлили (2023 декабр ҳолатига)

Вилоятда электр истеъмолчилари сони:

- 🏠 Уй хўжаликлари - **547 146** та
- 🏢 Улгуржи истеъмолчилар - **30 654** та

Электр энергияси баланси:


- 🏭 Ишлаб чиқариш- **232,3** млн. кВт*соат
- ⚡ Истеъмол - **2 737,7** млн. кВт*соат

Ўрнатилган қуёш панеллари қуввати:


- 👤 **734** та тадбиркорлик субъектида 8 933,2 кВт
- 🏛️ **694** та давлат муассасаларида 12 171,7 кВт
- 🏠 **2 805** та хонадонда 7 713,2 кВт

Гелиоколлектор ва қуёш панелларини ўрнатиш


Туманлар кесимида қуёш панелларини ўрнатган тадбиркорлик субъектлари сони (2024-йилнинг 1-январь ҳолатига кўра)




Корхоналар томонидан ўрнатилган қуёш панеллари қуввати (kW)



Туманлар кесимида қуёш панеллари ўрнатган уй хўжаликлари сони (2024-йилнинг 1-январь ҳолатига кўра)



Уй хўжаликларида ўрнатилган қуёш панеллари қуввати (kW)



Гелиоколлектор ва қуёш панелларини ўрнатиш

Сўров натижалари

Тадбиркорлик субъектлари - **1 103** та респондент



17,7% тадбиркорлик субъектлари

16,8% уй хўжаликлари

Қуёш панеллари ва коллекторларини қаердан ҳарид қилиш, уларнинг нархи ва имтиёзлар ҳақида маълумотга эга эмас



23,3% тадбиркорлик субъектлари

28,7% уй хўжаликлари

Қуёш панеллари ва коллекторларидан фойдаланиш самарасиз, деб ҳисоблайди



37,2% тадбиркорлик субъектлари

43,6% уй хўжаликлари

Яқин 3 йил ичида қуёш панеллари ёки коллекторларини ўрнатишни режа қилмаган

Уй хўжаликлари - **388** та респондент

Қуёш панеллари ва коллекторларидан фойдалананишга тўсқинлик қилувчи омиллар:

тадбиркорлик субъектлари учун		уй хўжаликлари учун
44,4%	нарх қимматлиги	39,9%
18,3%	эҳтиёж йўқлиги	18,4%
10,1%	самарасиз эканлиги	13,9%
9,9%	амалда кўрмаганлиги	9,2%
17,1%	тўсиқ йўқ	12,5%
0,2%	бошқа омиллар	6,1%



Бинолар ва ҳонадонлар энергоаудити

Энергия самарадорлиги сертификатларини жорий қилиш орқали, қуёш технологияларини ўрнатиш режалатирилган иншоотларнинг электр сарфини таҳлил қилиш ва қуёш технологияларини ўрнатишга эҳтиёжни аниқлаш тизимини жорий қилиш.

Энергетика вазирлиги, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги

Сифатни таъминлаш бўйича стандартлар

Қуёш панеллари сифатини таъминлаш мақсадида **сифат белгилари** ва **стандартларни** ишлаб чиқиш. Божхонадан кириб келаётган панеллар сифатини “El-tester”лар орқали текшириш

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Божхона қўмитаси

Таҳлилий платформалар шаффофлиги

Ўрнатилган қуёш энергияси технологияларининг самарадор ишлашини таҳлил қилишга имкон берувчи шаффоф платформани яратиш ва унинг фаолияти учун масъул орган белгилаш

Энергетика вазирлиги, Адлия вазирлиги

Кафолат бозорини ривожлантириш

Ўрнатилган қуёш энергияси технологияларига узоқ муддатли кафолатлаш ҳамда хизмат кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш. Қуёш панелларини эҳтимолий шикастланиш ҳамда самарадорликни сезиларли даражада пасайишини ҳавфига қарши сўғурталаш тизимини жорий қилиш

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги

Таргибот компаниялари

Гелиоколлекторлар ва қуёш панеллари ўрнатишнинг афзалликлари (молиявий ҳисоб китобни қамраб олган) тўғрисида таълим компаниялари ва семинарлар ўтказиш уларнинг афзалликлари ва имкониятлари ҳақида хабардорликни ошириш

Маҳаллий ҳокимиятлар, Энергетика вазирлиги

Маҳаллий ишлаб чиқариш

Гелиоколлекторлар ва қуёш панелларининг нархи юқорилиги мазкур технологияларни ўрнатишга бўлаётган асосий тўсиқлардан эканлигини инобатга олиб, Қашқадарьё вилояти тажрибасида маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги

The logo for IMRS (Institute for Macroeconomic and Regional Studies) consists of the letters 'IMRS' in a bold, white, sans-serif font, set against a red rectangular background.

Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти

Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш

“Марказий Осиё цивилизациясини ўрганамиз” турпакетининг концепцияси

I. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти:

Марказий Осиё цивилизациясида Сурхондарё вилояти жаҳоншумул аҳамиятга эга. Ҳудудда қадимги дунё тарихи ва илк давлатчиликка оид археологик топилмалар, буддавийлик ибодатхоналарининг қолдиқлари, ислом дини (тасаввуф мактаби) вакилларининг зиёратгоҳлари жойлашганлиги туристларни жалб қилиш учун жозибатор ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси моддий-маданий мерос объектлари рўйхатига кирувчи 561 та объект ва 8 та музей жойлашган, лекин шунга қарамай ташрифлар сони мавжуд салоҳиятга жавоб бермайди.

Маълумот учун: Сурхондарё вилоятида жойлашган музейларга бир йилда ўртача 86,3 минг сайёҳ ташриф буюради. Ушбу кўрсаткич Самарқандда 1855,9 минг нафарни, Бухорода 704,5 минг нафарни, Хоразмда 431,8 минг нафарни ташкил этади.

Мактаб (6-синфдан юқори) ўқувчилари учун махсус турпакетни таклиф қилиш орқали қадимий цивилизация тарихини реал воқелиқда ўргатиш, ўқувчилар орасида ватанпарварлик руҳи, маданий салоҳиятини ва маданий мерос объектларини ўрганишга бўлган қизиқишини ривожлантириб Сурхондарё вилоятининг туристик салоҳиятидан кенг фойдаланиш мақсади қўйилган.

II. Концепция доирасида 2024-йил февраль-март ойларида Сурхондарёдаги туристик объектлар ва мавжуд инфратузилма тўғрисида 1039 нафар респондент орасида сўров ўтказилди. Сўров натижаси қуйидагича бўлди:

- респондентларнинг 84 фоизи Сурхондарёдаги туристик объектлар ҳақида тасаввурга эга;
- 66 фоизи оила аъзолари билан саёҳат қилишни маъқул кўради;
- 54 фоизи зиёрат туризмни, 47 фоизи эса маданий туризмни афзал кўради;
- сўров қатнашчиларининг 44 фоизи фарзанди мактаб жамоаси билан Сурхондарёга саёҳат қилишига рози;
- респондентларнинг 39 фоизи умумий овқатланиш жойлари, транспорт ва меҳмонхона топишнинг осонлиги, турар жойларнинг хавфсизлигини ўртачадан юқори;
- 32,2 фоизи транспорт харажатлари ва саёҳат давомида сув таъминотидан қониқиш даражасини ўртача;
- 51,1 фоизи автомобиль йўлларининг сифати, саёҳат давомида санитария пунктлари, туристик хариталар, ахборотлар, диққатга сазовор жойлар ҳақида онлайн маълумотларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда саёҳат давомида интернетга уланиш сифатини қониқарсиз, деб баҳолаган.

III. Концепцияни амалга ошириш механизмлари:

■ ўқувчиларнинг хавфсиз саёҳат қилиши билан боғлиқ институционал ва ташкилий механизмларни такомиллаштириш;

■ туризм маршрути йўналишида экспертлардан иборат ишчи гуруҳ бошчилигида ўқувчилар учун зарур СГМлар барпо этиш зарур жойларни аниқлаш;

■ туризм маршрути йўналишидаги мавжуд инфратузилмани инвентаризациядан ўтказиш;

■ туризм маршрути бўйича пиёдалар йўлаклари ва санитар-гигиеник масканларни (СГМ) инклюзивлик талабларини ҳисобга олган ҳолда стандарт асосида қайта таъмирлаш;

■ давлат хусусий шерикчилик асосида туризм маршрути йўналишида хизмат кўрсатувчи СГМни (ҳожатхона, “Food court”лар, супермаркет, дам олиш хоналари, она ва бола хоналари, АЁҚШ, электромобиллар учун зарядлаш станциялари) барпо этиш;

■ СГМ ни туристик хариталарга киритиш;

■ ҳар бир СГМ ва туристларни жойлаштириш объектларнинг ҳолати ва хизмат сифатини иловалар орқали мижозлар томонидан баҳолаш тизимини жорий қилиш (юлдузчалар қўйиш);

■ турпакет маршрутлари, мавжуд инфратузилма ва нархлари билан батафсил маълумотлар тақдим этувчи портал яратиш;

■ турпакет доирасида иштирокчи субъектларнинг яхлит тизим сифатида фаолият юритишини ташкил этиш;

■ туристларни қабул қилиш ва жойлаштириш объектлари ходимларини “O’Z DST 3220:2023” туризм талаб стандартлари бўйича қайта тайёрлаш;

■ Сурхондарё вилоятида туризм соҳасида 10 тадан ортиқ иш ўрини яратган юридик шахсларга ишчилари ойлик маошининг 30 фоизини давлат томонидан қоплаб бериш;

■ Сурхондарё вилоятида умумтаълим мактаб ўқувчилари учун тадбирлар ташкил қилишга танлов асосида грант ажратиш;

■ мактаб ёшидагиларнинг республика миқёсидаги спорт тадбирларини Сурхондарё вилоятида ҳам мунтазам ташкил этиш;

■ туризм талаб стандартларига (юлдузчалар асосида баҳолаш орқали) жавоб берувчи юридик шахсларни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш;

■ ҳудудлараро туризм операторлари орасида махсус турпакетларни шартнома асосида таклиф қилиш тизимини ривожлантириш;

■ иқтисодий механизмлар (мактабларда ҳомийларни жалб қилган ҳолда саёҳат фондини ташкил қилиш) орқали ушбу туризм йўналишини қўллаб-қувватлаш;

■ рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, жумладан археология музейида экспонатларни планшет ёки смартфонлар орқали жонлаштирувчи иловалар яратиш, экспонатларни голограмма, тўлдирилган воқеликлар яратиб бойитиш;

■ ўқувчиларга хизмат кўрсатувчи махсус автобусларни ишлаб чиқариш (қайта таъмирлаш)ни ташкил этиш ва инвесторларни жалб этиш;

■ вилоят туризм бошқармаси, Термиз давлат университетининг “Иқтисодиёт ва туризм” факультети билан ҳамкорликда Сурхондарё туризм субъектлари орасида талабни ўрганиш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

■ Сурхондарё вилоятига ўқувчиларнинг ташрифини ташкил қилиш бўйича 2025-2026 йиллар учун режа ишлаб чиқиш ва махсус платформада тарғибот қилиш.

IV. Эришиладиган асосий натижалар:

■ йилига 50-60 минг ўқувчининг турпакет доирасида саёҳат қилиши таъминланади;

■ ўрта мактаб ўқувчиларининг академик муваффақияти ва таълим- тарбия сифатини оширишга эришилади;

Маълумот учун: Тадқиқотга кўра ўқувчиларнинг музей, санъат галереялари, тарихий обидаларга саёҳат қилиши уларнинг “ўқиш” бўйича умумий балларини ўртача 2,65 га оширади, спорт тадбирларида кузатувчи сифатида иштирок этиши математика бўйича балларини ўртача 1,67 га оширади.

Умумтаълим мактаб ўқувчиларини жалб қилиш орқали ҳудудда туризм соҳасини янада ривожлантириш янги барқарор иш ўринларининг яратиш ва иқтисодий ўсишни жадаллаштириш имконини беради.

Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш

Концепциянинг тузилмаси

1-босқич. Мавжуд салоҳият таҳлил қилинади

Қадимий обидаларнинг ҳолати;
Турпакет учун маршрутлар;
Республика бўйича ўқувчиларнинг хавфсиз саёҳат қилиши учун инфратузилманинг ҳолати.



2-босқич. Йўл харитаси ишлаб чиқилади

Ўқувчиларнинг ота-оналари орасида сўровлар ўтказиш;
Йўл харитаси ишлаб чиқиш.



3-босқич. Концепция ишлаб чиқилади

Концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш;
Тегишли идора ва ташкилотлардан таклифлар олиш;
Концепцияни амалга жорий қилиш.



4-босқич. Мониторинг

Тадбирларнинг йўл харитасига мувофиқлигини назорат қилиш;
Ҳар бир лойиҳанинг амалда ишлашини назорат қилиш;
Лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш.

Сурхондарё вилоятида қадимги дунё тарихига оид обидалар, ислом дини намояндаларининг зиёратгоҳлари, табиатнинг жозибадор манзаралари жойлашган.
Шуларни инobatга олиб, тадқиқотда:

йўлдош
инфратузилмани
такомиллаштириш
орқали хизматлар
соҳасининг
мультипликатив
таъсирини
кучайтириб, аҳоли
даромадларини
ошишига эришиш

"Марказий
Осиё
цивилизациясини
ўрганамиз"
турпакетини
янгича ёндашувлар
асосида тарғиб
қилишни
кучайтириш

қадимийлик ва
замонавийлик
уйғунлашган
механизмлар
асосида мавжуд
имкониятлардан
самарали
фойдаланиш орқали
туризмни ҳудудни
ривожлантириш
драйверига
айлантириш

БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш

"Марказий Осиё цивилизациясини ўрганамиз" турпакетининг маршрути:

1 кун:

"Табиат қўйнида 1 кун" маршрути:

- Қумқўрғон темирйўл станциясида соат 7.30-8.00 да тушилади;
- Сангардак шаршарасига автобусда 2 соат (10.00) да борилади;
- Табиат қўйнида фотосуратлар олиш, тушлик қилиш;
- Термиз шаҳрига йўлга тушиш;
- Меҳмонхонага жойлашиш.



2-кун:

"Қадимги Термиз" маршрути:

- Нонушта қилиш;
- Термиз археология музейига ташриф (қадимги дунё цивилизацияси ҳақида маълумот олиш, макетлар билан танишиш);
- Музейдан 10 км узоқликдаги Термиз шаҳрининг тарихий қисмига саёҳат давомида кейинги объект ҳақида маълумот олиш: Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳи; Қирққиз қалъаси; Кокилдор ота хонақоҳи; Султон Саодат мажмуаси).



3-кун

"Будда роҳиблари изидан" Термиз-Шўрчи-Денов туризм маршрути:

- Фаёзтепа;
- Қоратепа;
- Зурмола ступаси;
- Далварзинтепа;
- Холчаён ёдгорликлари.



Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш

Инфратузилмани ривожлантириш захиралари (МХТИ ўтказган сўров натижалари)



Респондентларнинг **39,2 фоизи** умумий овқатланиш жойлари, транспорт ва меҳмонхона топишнинг осонлиги, турар жойларнинг хавфсизлигини **ўртачадан юқори баҳолаган.**



Респондентларнинг **32,2 фоизи** транспорт харажатлари ва саёҳат давомида сув таъминотидан қониқиш **даражасини ўртача, деб баҳолаган.**



Респондентларнинг **51,1 фоизи** автомобиль йўлларининг сифати, саёҳат давомида санитария пунктлари, туристик хариталар, ахборотлар, диққатга сазовор жойлар ҳақида онлайн маълумотларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда саёҳат давомида интернетга уланиш сифатини **қониқарсиз, деб баҳолаган.**



Респондентларнинг **66 фоизи** oilаси билан саёҳат қилишни билдирган қайд этган.



Респондентларнинг **54 фоизи** зиёрат, **47 фоизи** маданий-маърифий туризмни афзал кўришини билдирган.



Фарзандларини мактаб жамоаси билан Сурхондарёга саёҳатга юборишга розилик берган ота-оналарнинг **44 фоизи** фақат oilа аъзоларининг ҳамроҳлигида юборишини айтган.

Шуларни ҳисобга олиб Сурхондарёда туризмни ривожлантириш учун таклифлар ишлаб чиқилган.

Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш Сурхондарёга келувчи сайёҳлар сонини ошириш

1 

Самарқанд-Сурхондарё йўналишида аҳолига хизмат кўрсатувчи масканлар барпо этиш (Улар куйидагиларни ўз ичига олиши зарур: «Food court» лар, супермаркет, дам олиш хоналари, ҳожатхона, она ва бола хоналари, АЁҚШ, электромобилларни зарядлаш станциялари)

2 

Йўлларда инфратузилмани ривожлантириш учун ДХШ механизми асосида инвесторларни жалб этиш

3 

Экспонатларни бойитиш, жозибadorлигини ошириш учун) голограмма, тўлдирилган воқеликлар яратиш

4 

Қадимийлик ва замонавийлик уйғунлашган PR компанияларни ташкил қилиш учун таржибали туризм соҳасидаги PR мутахассисларни жалб этиш

5 

Дунёда машҳур саёҳат блогерларини таклиф қилиш орқали уларнинг саҳифаларида Сурхондарё салоҳиятини реклама қилиш

6 

Халқаро миқёсдаги конференция, анжуманларни Сурхондарё вилоятида ташкил қилиш бўйича 2025-2026 йиллар учун режа ишлаб чиқиш ҳамда миллий ва халқаро платформаларда тарғиб қилиш

The logo for IMRS (Institute for Macroeconomic and Regional Studies) features the letters 'IMRS' in a bold, white, sans-serif font, centered within a solid red rectangular background.

Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти

Сурхондарё вилоятига салоҳиятли кадрларни жалб этиш

Сурхондарё вилоятига салоҳиятли кадрларни жалб этиш

Сурхондарё вилоятида жами 1,5 миллион нафар меҳнат ресурси истиқомат қилади. Бу эса аҳолининг 53 фоизи дегани. Ҳудуддаги ишсизлик даражаси 7,4 фоизни ташкил этиб, республикадаги ўртача қийматдан 0,3 ф.п. юқори. Ишсизлик даражасининг энг юқори кўрсаткичлари Термиз (8,1), Бойсун ва Шўрчи (8,0) туманларида кузатилмоқда. Вилоятда 80,6 мингтадан ошиқ киши ишга жойлашишга муҳтож.

Ишчи кучи таклифи

Ҳар йили меҳнат бозори учун таълим муассасалари ўртача 12,6 минг нафар олий маълумотли ва 9 минг нафар ўрта-махсус маълумотга эга битирувчиларни тайёрлайди. Сурхондарё меҳнат бозорига ҳар йили ўртача 21,7 минг нафар мутахассис илк маротаба кириб келади. Ундан ташқари умумтаълим мактабларидан ҳар йили ўртача 26 минг нафар битирувчи меҳнат бозорига чиқади, шунингдек, юқорида айтилганидек 80,6 минг нафар киши ишга жойлашишга муҳтож. Бундан келиб чиқадики, Сурхондарё вилоятида жами ишчи кучи таклифи ўртача 128,3 минг кишини ташкил этади.

Ишчи кучига талаб

Сурхондарё вилоятидаги жами бўш иш ўринлари сони 5410 тани, тақдим этилган резюмелар сони эса 3124 тани ташкил этган (резюмелар сони фақат mehnat.uz сайтидан олинган). Умуман олганда, ҳар бир вакант иш ўрнига 1,7 нафар иш изловчи тўғри келади. Бу эса ўз навбатида ишсизлик даражаси юқори бўлишига қарамай (7,4 фоиз), ишсизлар орасида иш излаш иштиёқи паст эканлигидан далолат беради.

Бўш иш ўринларининг деярли 70 фоизи олий, 16,2 фоизи ўрта-махсус маълумот талаб этади, шунингдек, маълумот талаб этмайдиган иш ўринлари 14,7 фоизни ташкил этади. Сурхондарё вилоятида энг катта талаб ўқитувчилар, маълумот талаб этилмайдиган ишчилар ва тиббиёт соҳаси мутахассисларига эканлиги аниқланди.

Иш берувчилар ўртасида сўров

Меҳнат бозорида яқин 6 ойда талаб юқори бўлиши кутилаётган кадрларни аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти томонидан Сурхондарё вилоятидаги иш берувчилар орасида сўров (Бандлик Барометри) ўтказилди.

Корхонангиздаги ходимлар сони олдинги йилдагига нисбатан қандай ўзгарди, деган саволга корхоналарнинг 5,2 фоизи камайди, 47,6 фоизи ўзгармади ва 47,2 фоизи ошди, деб жавоб берган.

Сўров натижаларига кўра, ходимлар сони камайиши асосан молия, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш корхоналарида кузатилган. Ходимлар сони ошиши эса саноат, таълим ва умумий овқатланиш корхоналарида кузатилган.

Сурхондарё меҳнат бозорида бухгалтерлар (жами талабнинг 7,5%), реклама бўйича мутахассислар (6,1%), жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассислар (6,1%), маркетинглар (5,9%), савдо бўйича мутахассислар (5,9%), дастурчилар (5,5%) ва АКТ соҳасидаги тизим маъмурлари ва мутахассислари (5,4%) га талаб энг юқори даражада экани аниқланди. Малака талаб этилмайдиган ишчилар,

болалар боғчаси тарбиячиси, геологлар ва геофизиклар, актёрлар ва техник усталар каби мутахассисларгатаалаб энг кам экани аниқланди.

Яқин 6 ойда талаб юқори бўлиши кутилаётган мутахассисликлар. Иш берувчиларнинг жавобларидан келиб чиқиб, Сурхондарё меҳнат бозорида келгуси 6 ойда дастурчиларга, бухгалтерларга, АКТ соҳасидаги тизим маъмурлари ва мутахассислари, реклама ва жамоатчилик билан ишлайдиган мутахассисларга, кадрлар бўйича ходимларга, ҳуқуқшуносларга талаб юқори бўлиши кутилмоқда.

Вилоят меҳнат бозори учун салоҳиятли кадрларни жалб этиш ва ҳудудни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида қўйидагилар таклиф этилади:

- 1.** Талаб юқори бўлган ўқитувчи ва шифокорларни ҳудудга жалб этиш бўйича “Сурхондарё ўқитувчиси”, “Сурхондарё шифокори” давлат дастурини жорий этиш.
- 2.** Сурхондарё вилоятида давлат бошқарув органларига ходимларни жалб этиш мақсадида уларнинг ойлик маошларини янгича услубда ҳисоблаш тизимини жорий этиш.
- 3.** Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, Сурхондарё вилоятида ИТ-соҳаси мутахассисларига бугунги кунда ҳам келгуси 6 ойда ҳам талаб юқори бўлиши кутилмоқда. Бунини инобатга олган ҳолда, ҳудудга юқори малакали кадрларни жалб қилиш учун уларни ишга ёллаган иш берувчиларни ижтимоий солиқдан озод этиш таклиф этилади. Шунингдек, ҳудудда фаолият юритаётган ИТ-соҳаси мутахассисларини тайёрловчи олий таълим муассасаси,

касб-ҳунар мактаблари ва техникумлар битирувчилари тўғрисида тўлиқ маълумотларни шакллантириб, уларни корхоналарга тақдим этиш тизимини жорий этиш лозим. Ёшларни ишга жойлаган иш берувчиларга солиқ ва кредитлар бўйича имтиёзлар таклиф этиш тизимини жорий этиш керак.

4. Сурхондарё вилоятига инвестиция киритиш истагида бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш. Бунда вилоятнинг драйвер соҳалари саналмиш кўмир қазиб олиш, тоғ-кон саноати, озиқ-овқат, тўқимачилик, кокс ва нефтни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, мебель ишлаб чиқариш каби соҳаларига инвестициялар киритиш истагида бўлган инвесторларни ер солиғидан 5 йилгача озод этиш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.


5. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда республикадан ташқарида истиқомат қилувчи Ўзбекистон фуқаролари учун “Сурхондарёга инвестиция” мавзусида элчихона ва консулликларда очиқ эшиклар кунини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш керак. Чет элда истиқомат қилувчи ўзбекистонлик фуқароларга телеграм каналлари ва бошқа турдаги оммавий ахборот воситалари орқали Сурхондарёдаги ишчи кучига бўлган талаб ва инвестициялар киритишда белгиланган имтиёзлар билан кенг танитиб боришни йўлга қўйиш даркор.

6. Ёшлар бандлигини ошириш мақсадида амалиётга жорий этилган «Устоз» махсус платформаси ва «Қизлар академияси» платформаларини қамровини Сурхондарё вилоятидаги ишга муҳтож барча ёшларни қамраб олиш керак.

Сурхондарё вилоятига салоҳиятли кадрларни жалб этиш

Сурхондарё вилояти меҳнат бозорининг ҳолати

Ишсизлик даражаси



- Ўртача доимий аҳоли сони **2 841 782**
- Жами меҳнат ресурслари **1 489 588**
- Иқтисодий фаол аҳоли **1 091 807**
- Иқтисодий нофаол аҳоли **397 781**
- Бандлар жами **1 011 178**
- Бўш иш ўринлари сони **5410**

Вакант иш ўринларида талаб этилувчи маълумот даражаси

- 70** фоизи олий
- 16,2** фоизи ўрта-махсус
- 14,7** фоизи маълумот талаб этмайди

Ишчи кучи таклифи

- Олий маълумотлилар **12 652**
- Ўрта-махсус маълумотлилар **9 028**
- Ишсизлар **80 629**

Вакант иш ўринларида талаб этилувчи маълумот даражаси

Вакансиялар	Умумий вакансиялардаги улуши	Маълумот даражаси		Ўртача маош
		Олий	Ўрта-махсус	
Таълим	50.1	90	10	1198829
Ишчилар	14.7	14.7		1370426
Тиббиёт ходимлари	12.6	71.8	28.2	1123404
Бошқарув ходимлари	4.4	100.0		1323194
Саноат соҳаси мутахассислари	3.4	25.5	74.5	1154935
Юқори малакали ижтимоий ходимлар	3.0	100.0		1197354
Санъат	2.6	64.1	35.9	1083008
Қурилиш соҳаси мутахассислари	2.3	39.0	61.0	1083739
Қишлоқ хўжалиги ходимлари	2.0	20.0	80.0	1091525
Ҳуқуқшунослар	1.5	98.8	1.2	1628925
Савдо	1.1			5878448
Молиячи ва иқтисодчилар	1.1	66.1	33.9	1405104
Овқатланиш	0.6	3.1	96.9	2738149
Ахборот технологиялари	0.3	64.3	35.7	1203429
Спортчи тренерлар	0.2	66.7	33.3	9800000
Журналистика	0.1	100.0		980000
Туризм соҳаси мутахассислари	0.1		100.0	2500000
Атроф-муҳит мутахассислари	0.0	100.0		980000



Сурхондарё вилоятига салоҳиятли кадрларни жалб этиш

Иш берувчилар орасида ўтказилган сўров натижалари

Сўров натижаларига кўра, Сурхондарё меҳнат бозорида энг юқори талаб

-  бухгалтерларга **7,5%**
-  реклама бўйича мутахассисларга **6,1%**
-  жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассисларга **6,1%**
-  маркетингларга **5,9%**
-  савдо бўйича мутахассисларга **5,9%**
-  дастурчиларга **5,5%**
-  АКТ соҳаларида тизим маъмурлари ва мутахассисларига **5,4%**

Энг паст талаб

-  боғча тарбиячиларига
-  геологларга
-  геофизикларга
-  актёрларга
-  техник усталарга

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишчи кучига талаб



Келгуси 6 ойда талаб юқори бўлиши қўтилаётган мутахассисликлар



Сурхондарё вилоятига салоҳиятли кадрларни жалб этиш

Вилоят меҳнат бозори учун салоҳиятли кадрларни жалб этиш ва ҳудудни малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича таклифлар



The logo for IMRS (Institute for Macroeconomic and Regional Studies) features the letters 'IMRS' in a bold, white, sans-serif font, centered within a red rectangular background.

Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти

Сурхондарё вилоятининг чўл-дашт ҳудудларидаги бўш ерлардан оқилона фойдаланиш

Чўл-дашт ҳудудларидаги бўш ерлардан оқилона фойдаланиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон қарори билан тасдиқланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш дастури қабул қилинган. Ушбу дастурда яйлов майдонларининг экологик ҳолатини сақлаш ҳамда ер ва ўрмон деградациясини камайтириш орқали яйловларда чорва молларини ўтлатишни барқарор бошқариш усулларини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган. Ҳозирда деградацияга учраган яйловларни қайта тиклаш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини ошириш долзарб масала бўлиб турибди. Шу мақсадда, Сурхондарё вилоятида чўл-дашт ҳудудларидаги бўш ерлардан, яйловларда оқилона фойдаланиш, ҳудудда яйлов уруғчилиги базасини ривожлантириш орқали чорва бош сонини кўпайтирган ҳолда иқтисодий ўсишга эришиш бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Аниқланган муаммо

Вилоятнинг бир қатор туманларидаги яйловларда ўсимлик оламининг қирилиб кетиши оқибатида майда шохли чорва бош сони камайиб кетган. Ушбу деградацияга учраган яйловларнинг ҳар бир гектар ерида ўсимлик оламини қайта тиклаш натижасида ўтлатадиган чорва меъёрини 5 бош қўй ва эчкилар даражасига олиб чиқиш мумкин.

Таҳлилларга кўра, Шербод туманида 198 минг гектар яйлов ерлари мавжуд. Майда шохли чорва бош сони 311 минг бош бўлиб, бу меъёрдан 3,1 мартага кам.

Ангор туманида 42 минг гектар яйловда 81 минг бош қўй ва эчки боқилади ва бу ҳам меъёрдан 2,5 мартага кам. Олтинсой туманида 43 минг гектар яйловда 108 минг бош қўй ва эчки боқилади ва бу ҳам меъёрдан 1,9 мартага кам. Қизириқ туманида 48 минг гектар яйловда 57 минг бош қўй ва эчки боқилади ва бу ҳам меъёрдан 4,2 мартага кам. Бандихон тумани яйловларида ўтлатиладиган қўй ва эчки бош сони меъёрдан 9 мартага, Денов туманида бу кўрсаткич 3 мартага, Шўрчи туманида эса бу кўрсаткич 3,8 мартага кам эканлиги ҳисоблаб чиқилди.

Вилоятнинг қўшимча захира имкониятлари

Вилоятда деградацияга учраган яйловлар билан бир қаторда иқтисодий фаолиятга киритиш мумкин бўлган ерлар мавжуд. Кадастр агентлигининг “Ер фонди” даврий нашрига кўра, Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 324 минг га қумли чўл-дашт, тепа лик ва жарлик, тупроқ-тўкилма ҳамда тошлоқ ва адир ерлар мавжуд. Ушбу ерларнинг катта қисми Бойсун (33 минг га), Қумқўрғон (32,1 минг га), Сариосиё (164,4 минг га. тоғли ва адир ерлар), Шербод (63,9 минг га), Шўрчи (16,2 минг га), Узун (37 минг га), Жарқўрғон (41,5 минг га) туманларида жойлашган. Шунингдек, Ангор ва Термиз туманларида 8 минг гектар шу турдаги бўш ер (Катта қум массиви) мавжуд.

Лойиҳа: Чўл-дашт майдонларида фитомелиорант ўсимликлар экиш

Деградацияга учраган яйловларни тиклаш орқали ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларнинг иқлимига хос ўсимлик экиш орқали ўтлоқларни ҳамда чорва бош сонини кўпайтириш таклиф қилинмоқда. Шу мақсадда, Ангор, Шеробод ва Термиз туманларидаги чўл-дашт майдонларининг қумлоқ тупроқларида қора саксовул (ҳосилдорлиги 57 ц/га), черкез, селин, қандим (18 ц/га) ҳамда Ўзбекистоннинг қумлоқ жойлари учун мос келадиган фитомелиорант ўсимликларни экиш мақсадга мувофиқ. Бундай амалиёт Жарқўрғон тумани “Қора янтоқ” маҳалласида БМТнинг Глобал Экологик Фонди кўмагида синовдан ўтган.

Амалга ошириш механизмлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда вилоятнинг деградацияга учраган яйловларида ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган чўл қумли адир ерларида ҳудуд иқлимига мос фитомелиорант ўсимликларни (қора саксовул, черкез ва қандим) экиш орқали яйлов майдонларини кенгайтириш лойиҳасининг илмий асослари ишлаб чиқади.

2. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармаси барча туман ларда шу турдаги ерларда хатлов ишларини амалга оширади. Аниқланган яйлов ер майдонларига хос мос фитомелиорант ўсимликларни экиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади.

3. Хатловда аниқланган ерлардан фойдаланиш имкониятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти томонидан илмий асосланади.

4. Туман ҳокимлиги бўш ер майдонларини деҳқон (оилавий) хўжалиги ташкил этиш учун очиқ электрон танловга чиқариш лойиҳаларини тайёрлайди. Халқ депутатлари туман Кенгашлари лойиҳани тасдиқлайди. Туман кадастр бўлими ер тузиш ишларини, “Ўздаверлоиҳа” ДИЛИ эса ер участкасини очиқ электрон танловга қўйиш тўғрисидаги буюртмани «E-IJARA» АТ платформасига юборади.

5. Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг Сурхондарё вилоят бошқармаси аукцион орқали ер олган тадбиркорларни уруғлик билан таъминлаш чораларини ишлаб чиқади. Бунда вилоят қоракўлчилик кластерлари ва қоракўлчилик наслчилик МЧЖнинг яйлов уруғчилиги бўлими ҳамда Бухоро чўл яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази хизматларидан фойдаланган ҳолда маҳаллий уруғчилик маркази очилади.

Мақсадли кўрсаткичлар

Яйлов ерларида маҳаллий шароитга мос экинлар экиш натижасида майда шохли чорва бош сонини бир неча баробарга ошириш мумкинлиги ҳисобланган. Масалан, Шеробод туманида 198 минг гектар яйлов ерлари мавжуд. Майда шохли чорва бош сони 311 минг бош. Бу меъёрдан 3,1 марта кам. Ер мавжуд бироқ уларнинг озуқа ҳосилдорлиги кам бўлгани учун бу ерлардан самарали фойдаланиб бўлмапти.

Ҳисоб-китобларга кўра, вилоятнинг Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти Олинадиган натижалар Ангор, Олтинсой, Қизириқ, Бандихон, Шўрчи ва Шеробод туманларда деградацияга учраган 100 минг гектар яйлов ерларини қайта тиклаш имконияти мавжуд. Бу майдонларда саксовулзор (ҳосилдорлиги гектарига 57 центнер) қандимзор (гектарига 18 центнер) черкесзорларни ташкил қилиш орқали 5 минг бош қўй-эчки отарчилик фермаларини барпо қилиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида майда шохли чорва моллари сони қўшимча 100 минг бошга ортади ва 50 мингта янги иш ўрни яратилади.

Қир адир ҳамда чўл-дашт зоналарда эса ўртача 100 гектар майдонининг озуқа бирлиги 27-30 бош майда шохли молларга (қўй ва эчкига) етарли бўлади. Чўл-дашт майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, алмашлаб фойдаланиш учун 300-350 гектар майдонда 100 бош майда шохли молларни навбатма- навбат ўтлатиш мумкин бўлади. Бунда ўтлатилган майдонга ўзини табиий тиклаши учун 2 йил дам берилади).

Ангор ва Термиз туманларидаги чўл-дашт (катта қум массиви) ерларидан 8 минг гектар ерни қайта тиклаш орқали 200 та янги иш ўрни яратилади. Бу ерларда саксовулзор, қандимзор, черкесзорларни ташкил қилиш орқали 80 минг тонна қуруқ ёғоч массаси олиш, яшил зона барпо қилиш ва экологик ҳолатни яхшилаш назарда тутилган.

Олинадиган натижалар

Вилоятда чўл яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази очилади;

- вилоятнинг чўл-дашт зоналарида деградацияга учраган 100 минг гектар яйлов ер қайта тикланади;

- бу майдонларда саксовулзор, қандимзор, черкесзорларни ташкил қилиш орқали 5 минг бош қўй-эчки отарчилик фермалари барпо қилинади;

- ўртача 100 га чўл-дашт майдонининг озуқа бирлиги 50-60 бош қўй ва эчкини озиклантиришга етарли бўлиб, таклиф қилинаётган майдонда 4000-4500 бош майда шохли чорвани боқиш мумкин бўлади

- бу ерлардан 80 минг тонна қуруқ ёғоч массаси олиш имкони яратилади;

- яшил зоналар барпо қилиниб, экологик ҳолат яхшиланади (IT дастурлар ёрдамида яшилликнинг кенгайиши мониторинг қилинади).

Сурхондарё вилоятининг чўл-дашт ҳудудларидаги бўш ерлардан оқилона фойдаланиш

Тадқиқот ишининг қисқа мазмуни



Сурхондарё вилоятининг чўл-дашт ҳудудларидаги бўш ерлардан оқилона фойдаланиш

Сурхондарё вилояти ер ресурс салоҳиятининг ҳудудий тавсифи

Жами ер фонди

2,01 млн. га

Шулардан, энг катта қисмини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар **(67%)** ва ўрмон хўжалиги ерлари **(12%)** ташкил этади.

Сўғориладиган ерлар

317,9 минг га


Ҳар йили қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш бўйича комиссия хулосасига кўра, экин турлари жойлаштирилади.

Қишлоқ хўжалиги ерлари

1,36 млн. га

Экин ерлари **(20%)**, пичанзор ва яйловлар **(51%)**, томорқа **(4,5%)**, дарахтзорлар **(4,5%)**, чўл-дашт кўмили майдонлар **(16%)**.

Энг катта ҳажмдаги ер майдони ва яйловларга эга туманлар



Ер майдонининг **74 фоизи** Сариосиё (**384,6 минг га**), Бойсун (**325,3 минг га**), Шеробод (**272,8 минг га**), Қумқўрғон (**213,8 минг га**), Узун (**163,2 минг га**), Жарқўрғон (**116,2 минг га**) туманларида мужасамлашган.



Бойсун (**197,6 минг га**), Қумқўрғон (**137,4 минг га**), Сариосиё (**126,6 минг га**), Шеробод (**125,5 минг га**) туманларида вилоятдаги жами яйловларининг **71 фоизи** жойлашган.



Сурхондарёда чўл яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил қилиш тавсия этилади.



Яйлов уруғчилик майдонларини аниқлаш чора-тадбирларини кўриш, илмий-ишлаб чиқариш марказининг техника базасини шакллантириш мақсадга мувофиқ.




824 минг гектар яйловларни озуқавий ҳосилдорлигини ошириш ҳамда чорва кластерларини ташкил этиш таклиф этилади.

Сурхондарё вилоятининг чўл-дашт ҳудудларидаги бўш ерлардан оқилона фойдаланиш

Аниқланган муаммо

Вилоятнинг бир қатор туманларида яйлов ерлари деградацияга учраган. Яъни яйловлардаги ўсимлик олами камайиб кетиши оқибатида чорва бош сонини меъёр бўйича кўпайтириш имкони бўлмаяпти.



✓ яйловлардан фойдаланиш меъёрлари бўйича ҳар **5 та** қўй ва эчкиларга **1 гектар** ўтлатадиган ер бўлиши зарур. Бунда яйловнинг юқори озуқа экин маҳсулдорлик ҳолати назарда тутилган.

✓ ҳисоб-китобларга кўра, ушбу туманлардаги чўл-дашт зоналарида деградацияга учраган **100 минг гектар** ерни қайта тиклаш имконияти мавжуд. Бу майдонларда саксовулзор (ҳосилдорлиги гектарига **57 центнер**) қандимзор (гектарига **18 центнер**) черкесзорларни ташкил қилиш орқали **5 минг** бош қўй-эчки отарчилик фермаларини барпо қилиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида майда шохли чорва моллари сони қўшимча **100 минг** бошга ортади ва **50 мингта** янги иш ўрни яратилади.

Ушбу диаграммада яйлов ерларида маҳаллий шароитга мос экинлар экиш натижасида майда шохли чорва бош сонини бир неча баробарга ошириш мумкинлиги ҳисобланган.

Масалан, Шеробод туманида **198 минг гектар** яйлов ерлари мавжуд. Майда шохли чорва бош сони **311 минг** бош. Бу меъёрдан **3,1 марта** кам. Ер мавжуд бироқ уларнинг озуқа ҳосилдорлиги кам бўлгани учун бу ерлардан самарали фойдаланиб бўлмаяпти.

Шу сабабли, вилоятнинг чўл-дашт яйловларида саксовулзорлар барпо қилишни тавсия қиламиз. Масалан, ўртача **1 га** саксовулзордан **10 тонна** қуруқ ёғоч массасини олиш мумкин. Шунда **1000 гектарли** отарчилик хўжаликлари йилига **10 минг тонна** қуруқ ёғоч массасини йиғиб олади ва қиш мавсумида ўзини ўтин билан таъминлайди.

Қир адир ҳамда чўл-дашт зоналарда ўртача 100 гектар майдонининг озуқа бирлиги 27-30 бош майда шохли молларга (қўй ва эчкига) етарли бўлади. Чўл-дашт майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, алмашлаб фойдаланиш учун 300-350 гектар майдонда 100 бош майда шохли молларни навбатма навбат ўтлатиш мумкин бўлади. (Бунда ўтлатилган майдонга ўзини табиий тиклаши учун 2 йил дам берилади).

Сурхондарё вилоятида чўл-дашт ҳудудларидаги бўш ерлардан оқилона фойдаланиш

Сурхондарё вилояти ер ресурслари самарали фойдаланиш йўналишлари

Ер салоҳиятининг ҳолати

Жами ер фонди

2,01 млн. га

67% 

Қишлоқ хўжалигига
мўлжалланган ерлар

12% 

Ўрмон хўжалиги
ерлари

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар

470 минг га



Қумли чўл, дашт, тепалик ва
жарлик ерлар; тупроқ-тўкилма
ҳамда тошлоқ ва адир ерлар

Шундан: **8** минг га

✓ Ангор ва Термиз туманларида мавжуд*

(Термиз тумани катта қум массиви.
Вилоят кадастр бошқармаси маълумоти)

Амалга ошириш механизмлари

1. МҲТИ ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **тоғолди, адир, чўл-дашт ерлардан** фойдаланиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқади.

2. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят қишлоқ хўжалиги **бошқармаси** билан биргаликда фойдаланиш тавсия этилган ер майдонларига **хос экин экиш** чора-тадбирларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади.



3. Вилоят **қишлоқ хўжалиги** бошқармаси, **Кадастр Агентлигининг** вилоят бошқармаси барча туманларда шу турдаги ерларда **хатлов** ўтказади.

4. МҲТИ экспертлари томонидан ҳар йили адир, чўл-дашт ерлардан фойдаланиш **самарадорлиги баҳоланиб** борилади ва такомиллаштиришга оид **тавсиялар** ишлаб чиқилади.



✓ ер аукцион орқали ташаббускор тадбиркорларга бўш ерлар ижарага бериш ("Ўздаверлойиҳа" ДИЛИ);

✓ уруғлик билан таъминлаш;

✓ вилоят қорақўлчилик кластерлари ва қорақўлчилик наслчилик МЧЖнинг яйлов уруғчилиги бўлими орқали;

✓ Бухоро чўл яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази орқали;

Олинадиган натижалар

- ✓ ишсизларнинг **бандлигини** таъминлаш;
- ✓ талабгорларни малакасини ошириш (АКИС);
- ✓ чорвани (**наслчилик**) кўпайтириш;
- ✓ **яшил зоналар** барпо қилиш ва кенгайтириш; (IT дастурлар ёрдамида яшилликни кенгайтириш мониторинг қилинади)
- ✓ **экологик ҳолат** яхшиланади. (чанг-тўзонларнинг олди олинади)

8 минг га
ерни қайта тиклаш орқали



200 та
янги иш ўрни яратилади



80 минг тонна
қуруқ ёғоч массаси олинади



ўртача **100** га
чўл-дашт майдонининг озуқа бирлиги

60-90
бош қуй ва эчкини
озиқлантиришга етарли бўлади



The logo for the Institute for Macroeconomic and Regional Studies (IMRS) consists of the letters 'IMRS' in a bold, white, sans-serif font, set against a solid red rectangular background.

Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти

Фармацевтика саноати учун доривор ўсимликлар етиштириш имкониятлари

Фармацевтика саноати учун доривор ўсимликлар етиштириш имкониятлари

■ Республикадаги ўсимликларнинг 750 та тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 та тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган. Шундан 70 та тури фармацевтика саноатида фаол қўллаб келинмоқда.

■ 2022-йилда Ўзбекистоннинг доривор ва хушбўй ўсимликлар экспорти 32,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

■ 2022-йилда доривор ва хушбўй ўсимликларнинг асосий экспортчилари Хитой (27,2 фоиз), Ҳиндистон (10,2 фоиз), Испания (7,5 фоиз), Германия (7,1 фоиз) ва АҚШ (6,0 фоиз) бўлди

■ 2026-йилга бориб, Сурхондарё вилоятида доривор ўсимликлар учун ажратилган ер майдони 13,3 минг гектарни, шу жумладан каврак учун 10,2 минг гектарни ташкил этади (2022-йил 20-майдаги ПҚ-251).

Ҳозирги ҳолат

Ҳозирги кунда Узун туманида 4 453,9 гектар, Сариосиё туманида 10 гектар, Шеробод туманида 1 221 гектар, Бойсун туманида 165 гектар, Қизириқ туманида 165 гектар, Жарқўрғон туманида 0,38 гектар, Қумқўрғон туманида 120 гектар, жами 6 135 гектар каврак (ферула) плантацияси ташкил этилган.

Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга хорижий инвесторлар ҳам катта қизиқиш билдирмоқда. Музробод туманида 200 гектар майдонда розмарин, тошчўп, ялпиз ва бошқа экинларнинг экспортбоп ва қимматли янги навларини етиштириш нибошлаган Татаристон (Россия)

тадбиркорлари ташаббуси ана шундай ҳамкорликка мисол бўла олади.

2023-йилда Боботоғ давлат ўрмон хўжалигида 10 минг гектар майдонда писта, қатор ораларида каврак (ферула) доривор ўсимлиги етиштириш учун плантация яратиш лойиҳаси амалга оширила бошланди. Ушбу доривор ўсимликни оралиқ экин сифатида етиштириш учун 80 миллиард сўмлик уруғлар харид қилинди.

Доривор ўсимликлар тармоғини ривожлантириш учун Хитой ва Ҳиндистон тажрибаси ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти ҳисоб-китобларига кўра, 1 гектар пахтадан 1 925,3 АҚШ доллари, донли экинлардан 1 981,5 АҚШ доллари миқдорида даромад олинган. Шу билан бир қаторда 1 гектар майдондан олинадиган даромад мутахассисларнинг фикрича, 9-19 минг АҚШ долларини ташкил этиши мумкин бўлган амарант етиштириш таклиф қилинмоқда.

Чора-тадбирлар:

1. Фермерлар учун қишлоқ хўжалиги экинларига муқобил доривор ўсимликларни тарғиб қилиш ва ишлаб чиқарувчилар/фермерлар билан мақсадли шартнома тузиш.
2. Миллий стандарт, қоида ва йўриқномаларни ишлаб чиқиш.
3. Агротуризмни ривожлантириш, доривор ўсимликларнинг фойдаси ва қўлланилиши ҳақидаги билимларни оммалаштириш мақсадида ҳар йили доривор гиёҳларга бағишланган фестиваллар ўтказиш.

4. Юқори салоҳиятли ҳудудларда ихтисослаштирилган кластерлар яратиш, GAP, GCP ва GSP стандартларига мувофиқлигини таъминлаш ҳамда ички ва экспорт эҳтиёжларини қондириш учун сифатли уруғчилик, сертификатлаштириш ва маркетинг билан интеграциялашувни таъминлаш орқали доривор ўсимликларни ишлаб чиқариш ва тарқатишни яхшилаш.

5. Агрономия ва селекция соҳасида илмий изланишларни рағбатлантириш, етиштирилган экинларнинг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида ўт турларини меъёрлаштирилган экиш (селекция).

Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш: Хорижий ҳамкор ва инвесторлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш тажриба алмашиш, янги технологияларни жалб қилиш ва янги бозорларни очишга ёрдам беради.

Фармацевтика саноати учун доривор ўсимликлар етиштириш имкониятлари

Республикадаги доривор ўсимликлар турлари

750

улардан

112

Илмий тиббиётда
қўллашучун
рўйхатдан ўтган

70






Фармацевтика
саноатида
қўлланилади

2022-йилда Ўзбекистонинг
доривор ва хушбўй
ўсимликлар экспорти **32,8**
млн. АҚШ
доллари

2022-йилда доривор ва хушбўй
ўсимликларнинг йирик
экспортчилари

Топ 5 та мамлакат

Улуши

	Хитой	27,2%
	Ҳиндистон	10,2%
	Испания	7,5%
	Германия	7,1%
	АҚШ	6,0%

3 700,2
млн. АҚШ
доллари

2022-йил 20-майдаги ПҚ-251

2026-йилга бориб, Сурхондарё вилоятида
доривор ўсимликлар учун ажратилган
ер майдонлари **13,3 минг гектарни**, шу жумладан
каврак учун **10,2 минг гектарни** ташкил этади.

Битта туман — битта маҳсулот

Узун тумани

Далачой, тоғрайхон, қалампир ялпиз,
ровоч, тожик каврак, кийик ўти,
наъматак

Сариосиё тумани

Далачой, тоғрайхон, қалампир ялпиз,
наъматак, ровоч, темиртикан

Бойсун тумани

Далачой, тоғрайхон, зирк (барбарис),
зизифора, қалампир ялпиз,
наъматак, ровоч, тожик каврак

Олтинсой тумани

Мойчечак, наъматак

Қизириқ тумани

Наъматак, темиртикан

Термиз тумани

Темиртикан

Ангор тумани

Темиртикан

Шўрчи тумани

Мойчечак

Қумқўрғон тумани

Мойчечак

Ҳозирги ҳолат

Ҳозирги кунда Узун туманида **4453,9** гектар,
Сариосиё туманида **10** гектар, Шеробод туманида
1221 гектар, Бойсун туманида **165** гектар, Қизириқ
туманида **165** гектар, Жарқўрғон туманида **0,38** гектар
Қумқўрғон туманида **120** гектар
жами **6135** гектар каврак плантацияси
ташкил этилган.

Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалигини
ривожлантиришга хорижий инвесторлар ҳам
катта қизиқиш билдирмоқда. Музробод
туманида **200 гектар** майдонда **розмарин**,
тошчўп, **ялпиз** ва бошқа экинларнинг экспортбо
ва қимматли янги навларини етиштиришни
бошлаган Татаристон (Россия) тадбиркорлари
ташаббуси ана шундай ҳамкорликка мисол бўла олади.

2023-йилда **Боботоғ** давлат ўрмон хўжалигида
10 минг гектар майдонда pista, қатор ораларида
каврак (ферула) доривор ўсимлиги етиштириш
учун плантация яратиш лойиҳаси амалга
оширила бошланди. Ушбу доривор ўсимлиқни
оралиқ экин сифатида етиштириш учун
80 миллиард сўмлик уруғлар харид қилинди.

Фармацевтика саноати учун доривор ўсимликлар етиштириш имкониятлари

Хорижий тажриба - Хитой

Ҳукумат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш: 1986-йилдан бери миллий ва маҳаллий даражада анъанавий хитой табобатини (АХТ) ривожлантириш, жумладан қонунчиликни қўллаб-қувватлаш ва тўғридан-тўғри инвестициялар бўйича тузилмалар мавжуд.



Таълим ва илмий ташаббуслар: таълим имкониятларини кенгайтириш ва АХТ соҳасидаги инновация ва тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, 2012-йилдан сўнг АХТ ни устувор йўналиш сифатида белгилаш.

Стратегик ривожланиш режалари: Миллий соғлиқни сақлаш тизимида АХТнинг аҳамиятини кўрсатувчи “АХТ билан боғлиқ соғлиқни сақлаш хизматларини ривожлантириш режаси (2015-й. – 2020-й.)” ва “Соғлом Хитой-2030” стратегик режасини амалга ошириш.



Қонунчилик ва сифат: 2017-йилда анъанавий хитой тиббиёти тўғрисидаги қонунни қабул қилиш, сифат стандартларини белгилаш ва онлайн савдо ва рекламани тартибга солиш.

Инновациялар ва стандартлаштириш: тадқиқот, фармацевтика стандартларини ишлаб чиқиш ва АХТни стандартлаштириш, маҳсулотларнинг юқори сифати ва хавфсизлигини таъминлашга эътибор қаратиш.



Фармацевтика саноати учун доривор ўсимликлар етиштириш имкониятлари

Хорижий тажриба - Ҳиндистон

1999-йилдан анъанавий тиббиёт тизимини қўллаб-қувватлаш учун доривор ўсимликларни сақлаш, етиштириш ва барқарор фойдаланишга **стратегик эътибор**.



АЮШ (анъанавий тиббиёт) вазирлиги ва Доривор ўсимликлар миллий кенгаши ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган сиёсат ва тадқиқотларни мувофиқлаштирамоқда.

Деҳқончиликни рағбатлантириш ва инфратузилмани ривожлантириш ҳамда халқаро ҳамкорлик ва экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича **молиявий ташаббуслар**.



Қишлоқ хўжалиги ва тўғридан-тўғри харидлар, сифат стандартларини яхшилаш ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган шартномалар ва **саноатдаги иштирок**.

Халқаро меморандумлар ва сифат сертификати орқали анъанавий ҳинд тиббиётини **жаҳон миқёсида тарғиб қилиш**, Ҳиндистоннинг жаҳон бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаш.



Фармацевтика саноати учун доривор ўсимликлар етиштириш имкониятлари

1 гектардан олинadиган даромад (АҚШ долларида)

Пахта



1 925,3

Дон



1 981,5

Амарант



9 000 - 19 000

Яқуний маҳсулотнинг дунё бозоридаги нархлари (iherb платформаси)



Тоғрайҳон (орегано) экстракти (120 капсулалар)

533 080 сўм



North American Herb & Spice Co., Wild Oregano, Орегано (тоғрайҳон) ёғи, 30 мл флакон (1 унция)

456 183 сўм

Чора-тадбирлар

- ✓ Фермерлар учун қишлоқ хўжалиги экинларига муқобил доривор ўсимликларни тарғиб қилиш ва ишлаб чиқарувчилар/фермерлар билан мақсадли **шартнома** тузиш.
- ✓ **Миллий стандарт**, қоида ва йўриқномаларни ишлаб чиқиш.
- ✓ **Агротуризмни** ривожлантириш, доривор ўсимликларнинг фойдалари ва қўлланилиши ҳақидаги билимларни оммалаштириш мақсадида ҳар йили доривор гиёҳларга бағишланган **фестиваллар** ўтказиш.
- ✓ Юқори салоҳиятли ҳудудларда ихтисослаштирилган кластерлар яратиш, **GAP, GCP** ва **GSP** стандартларига мувофиқлигини таъминлаш ҳамда ички ва экспорт эҳтиёжларини қондириш учун сифатли уруғчилик, сертификатлаштириш ва маркетинг билан интеграциялашувни таъминлаш орқали доривор ўсимликларни ишлаб чиқариш ва тарқатишни яхшилаш.
- ✓ **Агрономия** ва **селекция** соҳасида илмий изланишларни рағбатлантириш, етиштирилган экинларнинг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида ўт турларини меъёрлаштирилган ҳолда экиш (селекция).
- ✓ **Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш**: Хорижий ҳамкор ва инвесторлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш тажриба алмашиш, янги технологияларни жалб қилиш ва янги бозорларни очишда ёрдам беради.

2030-йилгача доривор ўсимликлар етиштиришни ривожлантириш ва доривор ўсимликлар билан Даволаниш (фитотерапия)ни оммалаштириш дастурига ТАКЛИФЛАР

№	Чора-тадбир номи	Ижро муддати	Масъул ташкилотлар
Республика даражасида			
1.	Доривор ўсимликлар ва фитомаҳсулотлар учун давлат сифат стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	2024-2025 йиллар	«Узстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (ССВ), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (ҚХВ), Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги
2.	Доривор ўсимликлар ишлаб чиқарувчиларни, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни ҳамда хомашёни бевосита ишлаб чиқарувчи (фермерлар)дан харид қилувчи қайта ишловчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш	Сентябрь 2024 й.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (ИМВ), ҚХВ
3.	Тиббиёт ходимлари учун фитотерапия бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш	Июль 2025 й.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (ОТФИБ), ССВ, ҚХВ
4.	Фитотерапия соҳасида стартап ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш	2024-2030 йиллар	ИМВ, ССВ, ҚХВ
5.	Касалхона ва поликлиникаларда ўсимлик кабинетларини яратиш	2024 й.	ССВ

2030-йилгача доривор ўсимликлар етиштиришни ривожлантириш ва доривор ўсимликлар билан Даволаниш (фитотерапия)ни оммалаштириш дастурига ТАКЛИФЛАР

№	Чора-тадбир номи	Ижро муддати	Масъул ташкилотлар
Республика даражасида			
6.	Доривор ўсимликларнинг, шу жумладан ёввойи турларнинг доривор салоҳияти ва оммалаштириш ҳолатини баҳолаган ҳолда уларнинг миллий рўйхатини шакллантириш	Октябрь 2025 й.	ҚХВ, ССВ, Рақамли технологиялар вазирлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази
7.	Доривор ўсимликларни етиштириш ва ўрганишга ихтисослашган ботаника боғлари ва илмий станциялар тармоғини яратиш ва кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш	2024-2030 йиллар	ҚХВ, ИМВ, ССВ, Экология вазирлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази
8.	Ҳар йили доривор ўтларга бағишланган фестиваллар ўтказиш ва доривор ўсимликларга асосланган соғломлаштириш турларнинг махсус дастурларини ишлаб чиқиш	Ҳар йили	Туризм қўмитаси, ҚХВ, ССВ, Ташқи ишлар вазирлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги

2030-йилгача доривор ўсимликлар етиштиришни ривожлантириш ва доривор ўсимликлар билан Даволаниш (фитотерапия)ни оммалаштириш дастурига ТАКЛИФЛАР

№	Чора-тадбир номи	Ижро муддати	Масъул ташкилотлар
Республика даражасида			
9.	Фитомаҳсулотлардан фойдаланиш фойдаси ва усуллари ҳақида аҳолига ахборот кампанияларини ташкил этиш	Доимий равишда	ССВ, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази, ОАВ, туман ва вилоятлар ҳокимиятлари
10.	Доривор ўсимликларни етиштириш, ўрганиш ва улардан фойдаланиш бўйича республика ва халқаро илмий конференциялар ўтказиш.	Доимий равишда	ССВ, ОТФИБ, ҚХВ, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази, мутасадди вазирлик ва идоралар



Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

2030-йилгача доривор ўсимликлар етиштиришни ривожлантириш ва доривор ўсимликлар билан Даволаниш (фитотерапия)ни оммалаштириш дастурига ТАКЛИФЛАР

№	Чора-тадбир номи	Ижро муддати	Масъул ташкилотлар
Ҳудудий даражада			
11.	Ер участкаларини (зарур ҳолларда) ажратган ҳолда доривор гиёҳларни етиштириш ва қайта ишлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш.	Август 2024 й.	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази
12.	Сурхондарё вилоятида етиштириладиган доривор ўсимликларни қайта ишлашга хорижий инвесторларни жалб этиш	Сентябрь 2024 й.	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
13.	Сурхондарё вилоятида касалхона ва санаторияларда (Termiz Marvaridi, "XO'JAIPOK SANATORIYSI") фитохоналарни ташкил қилиш	2024 й. давомида	ССБ, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги



Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти

Чарм саноатини ривожлантириш акселераторини йўлга қўйиш

Чарм саноатини ривожлантириш акселераторини йўлга қўйиш

■ 2022-йилда ҳақиқий чарм маҳсулотларининг энг йирик экспортчилари Хитой (улуши - 31,3 фоиз), Италия (13,7 фоиз), Франция (9,7 фоиз), Вьетнам (6,9 фоиз), Германия (4,5 фоиз) бўлди.

■ 2022-йилда Ўзбекистон ҳақиқий чарм маҳсулотлари экспорти – 27,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

■ 2018-2022 йиллар давомида чарм маҳсулотлари экспортини сезиларли даражада оширган давлатлар қаторига Камбоджа, Польша, Мексика, Туркия, Таиланд, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур, Мянма, Швеция, Филиппин, Дания, Бразилия, Покистон ва Греция ҳам кирди.

Ҳозирги ҳолат

Сурхондарё вилоятида 1 миллионта йирик шохли қорамоллар бор. 2023-йил мазкур салоҳиятдан унумли фойдаланиш мақсадида вилоятнинг Ангор туманида йиллик 1,2 млн. м² ҳажмдаги терини қайта ишлаш қувватига эга замонавий кластер ишга туширилди.

Сурхондарё вилоятида 2026-йилга бориб, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 224 минг м² га, чарм-пойабзал саноатини 6 млн. жуфтга ҳамда умумий чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари экспортини 44 млн. АҚШ долларига етказиш режалаштирилган.

Агар ярим тайёр чарм маҳсулоти 10-20 АҚШ доллари қийматида баҳоланса, теридан ишлаб чиқарилган пойабзал жуфтининг ўртача нархи 55-90 АҚШ долларигача ташкил қилади.

Саноатни ривожлантириш учун Покистон, Ҳиндистон, Туркия тажрибаси ўрганилди.

Акселераторнинг асосий фаолияти ва вазифаларини ишлаб чиқиш.

Чарм экотизимининг акселератори – вилоятда чарм саноати лойиҳаларини илгари суриш дастуридир.

Акселератор - лойиҳани янгилаш учун қисқа (бир неча ой) интенсив гуруҳ дастури сифатида бўлади. Дастур қуйидаги хизматларни ўз ичига олади: акселератор муаллифлари ва ҳамкорларидан маслаҳатлашув ва ёрдам, менторлар тармоғи, инфратузилма ва профессионал хизматлар (офис, жиҳозлар, юридик ва бухгалтерия хизматлари, лойиҳани ишлаб чиқиш ва илгари суришда ёрдам ва бошқалар), инвестицияларни жалб қилишда кўмаклашиш.

Чарм саноатини ривожлантириш акселераторини ишга тушириш концепцияси:

1. Сурхондарё вилоятида чарм саноатини ривожлантириш акселераторини ишлаб чиқишга халқаро экспертларни жалб қилиш;
2. Ходимларнинг малакасини ошириш ва юқори касбий маҳоратни таъминлаш учун ўқитиш ва ривожлантириш дастурларини яратиш;
3. Дастурни ишга тушириш ва истиқболли лойиҳаларни танлаш;
4. Кадрлар тайёрлаш дастурини тамомлагандан сўнг чарм саноатининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришни давом эттириш, жумладан, халқаро кўргазмаларда иштирок этиш, бозор тадқиқотларини олиб бориш ва экспортчиларга молиявий ёрдам кўрсатиш;

5. Жаҳон бозорининг экологик талабларидан келиб чиқиб, экологик тоза технологик жараёнларни жорий этиш, чиқиндиларни минималлаштириш ва оптималлаштириш, халқаро экологик стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

6. Чармни қайта ишлаш соҳасида кластерлар ташкил этиш, корхоналар ва соҳа мутахассислари ўртасида тажриба алмашишни таъминлаш.

Ҳақиқий чарм маҳсулотлари учун жаҳон бозори

2022-йилда ҳақиқий чарм маҳсулотларининг
йирик экспортчилари

Топ 5 та мамлакат	Улуши
 Хитой	31,3%
 Италия	13,7%
 Франция	9,7%
 Вьетнам	6,9%
 Германия	4,5%

160 442,9
млн. АҚШ
доллари

2022-йилда Ўзбекистон ҳақиқий
чарм маҳсулотлари экспорти

27,7
млн. АҚШ
доллари

2018-2022 йиллар давомида чарм маҳсулотлари экспортини сезиларли даражада оширган давлатлар қаторига **Камбоджа, Польша, Мексика, Туркия, Таиланд, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур, Мянма, Швеция, Филиппин, Дания, Бразилия, Покистон ва Греция** ҳам кирди.

Ҳозирги ҳолат



Йирик шохли қорамоллар сони > 1 миллион бош



2023-йил мазкур салоҳиятдан унумли фойдаланиш мақсадида вилоятнинг **Ангор туманида** йиллик **1,2 млн м²** ҳажмдаги терини қайта ишлаш қувватига эга замонавий кластер ишга туширилди.

2023-йил 11 октябрь ПҚ-331



Сурхондарё вилоятида 2026-йилга бориб, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини **224 минг м²** га, чарм-пойабзал саноатини **6 млн.** жуфтга ҳамда умумий чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари экспортини **44 млн. АҚШ доллари**га етказиш режалаштирилган.



Агар ярим тайёр чарм маҳсулоти **10-20 АҚШ доллари** қийматида баҳоланса, теридан ишлаб чиқарилган пойабзал жуфтлигининг ўртача нархи **55 - 90 АҚШ доллари**гача ташкил қилади.

Чарм саноатини ривожлантириш акселераторини йўлга қўйиш

Хорижий тажрибаси - Покистон

Покистон чарм кийим ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси (PLGMEA) мазкур соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида 2001-йилда ташкил этилган.



Кўнчилик корхоналарининг 42,39 фоизи Панжоб провинциясида жойлашган - асосий марказлари **Сиалкот, Карачи** ва **Лаҳор** шаҳарлари.

Чарм ишлаб чиқариш бўйича ишчи гуруҳ (LWG) барқарор ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш амалиёти учун 2005-йилда ташкил этилган. **LWG томонидан сертификатлаш АҚШ ва Европа Иттифоқи бозорларига кириш учун зарурий шартдир.**



Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари: нам ҳолатдаги чармларни импорти учун божхона тўловларини, шунингдек, бўрттирма фольга учун тўловларни бекор қилиш – чарм саноатида юқори сифатли ва замонавий чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг **янги технологияси, божларни қайтариш ставкасини ошириш орқали экспортни рағбатлантириш.**

Атроф-муҳитни яхшилаш ва концентрат ишлаб чиқаришни яхшилаш учун **Сиалкот** кўнчилик зонасини ривожлантириш.



Чарм саноатини ривожлантириш акселераторини йўлга қўйиш

Хорижий тажрибаси - Ҳиндистон

Чарм тармоғининг **80 фоизини** кичик ва ўртача корхоналар (КЎК) ташкил этади. Энг катта чарм кластерлари Тамилнаду, Ғарбий Бенгаль ва Уттар-Прадеш штатларида жойлашган.



Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари: инфратузилмани барпо қилиш, экологияни ҳимоя қилиш, сармояларни киритиш ва иш ўринларини яратишга қаратилган, 2026-йилгача бюджети 17 миллиард ҳинд рупийси (203,9 млн. АҚШ доллари)га тенг Пойабзал ва чармни ривожлантириш дастури (IFLDP) орқали амалга оширилмоқда.

IFLDP кичик дастурлари умумий оқава сувларни тозалаш иншоотларини қўллаб-қувватлаш, КЎКни модернизация қилиш, мега кластерларни ривожлантириш, институционал объектларни яратиш, брендлар ва дизайн студияларини илгари суришдан иборат.



“Чарм боғлари (парклари)” ва **“дизайн марказларини”** ташкил этиш, материалларни божсиз олиб кириш.

Етакчи ихтисослаштирилган ўқув муассасаси - Ҳиндистон бўйлаб 55 та ўқув марказларига эга **Пойабзал дизайни ва ривожлантириш институти** ҳисобланади.



Чарм саноатини ривожлантириш акселераторини йўлга қўйиш

Хорижий тажрибаси - Туркия

Туркияда йирик шаҳарлар ва вилоятларда жамланган **13 та саноат кўнчилик зонаси** мавжуд.



Хусусиятлари – Европа стандартларига мувофиқлиги ва чарм ишлаб чиқаришнинг **70 фоизида экологик тоза усуллардан** фойдаланиш.

2013-йилги ҳукумат режасига мувофиқ Туркиянинг шарқий ва ғарбий қисмидаги **қишлоқ ҳудудларида янги чарм ишлаб чиқариш марказларини** ташкил этиш кўзда тутилган.



Чарм саноатини ривожлантириш акселераторини йўлга қўйиш

Акселераторнинг асосий фаолияти ва вазифаларини ишлаб чиқиш

Чарм экотизими акселератори

Сурхондарё вилоятида чарм саноати лойиҳаларини илгари суриш учун жадаллаштириш дастури



Акселератор мақсади

Вилоят миқёсида чарм саноатида жадал ўсиш учун восита ва усуллардан фойдаланган ҳолда потенциал лойиҳаларни ишлаб чиқиш



Маҳалладаги акселератор функцияси

Худуд аҳолиси манфаатлари йўлида чарм саноатини ривожлантириш, иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадларни ошириш

Акселераторнинг молиялаштиришдаги ўрни

Молиялаштириш кўзда тутилмаган, аммо потенциал лойиҳалар банк кредитларини олиш ва инвесторларни топишда ёрдам олади



Ташкил этиш принципи

Ўқув дастури ва худуддаги мураббий ва менторлар жамоаси Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг Сурхондарё вилоятидаги худудий филиали негизида ташкил этилиши мумкин



Ўқитиш

Бир қатор маърузалар, менторлик ёрдами ва тармоқ тадбирлари

Чарм саноатини ривожлантириш акселераторини йўлга қўйиш

Чарм саноатини ривожлантириш акселераторини ишга тушириш концепцияси

1-босқич

Сурхондарё вилоятида чарм саноатини ривожлантириш акселераторини ишлаб чиқишга халқаро экспертларни жалб қилиш.

2-босқич

Ходимларнинг малакасини ошириш ва юқори касбий маҳоратини таъминлаш учун ўқитиш ва ривожлантириш дастурларини яратиш.

3-босқич

Дастурни ишга тушириш ва истиқболли лойиҳаларни танлаш.

“Чарм маҳалласи” концепцияси доирасида вилоятда махсус чарм ҳунармандчилиқ (ҳамён, белбоғ ва бошқалар) **марказини** ташкил этиш (Самарқанд вилоятидаги Кониғил сайёҳлик шаҳарчаси мисолида).

4-босқич

Кадрлар тайёрлаш дастурини тамомлагандан сўнг чарм саноатининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришни давом эттириш, жумладан, халқаро кўрғазмаларда иштирок этиш, бозор тадқиқотларини олиб бориш ва экспортчиларга молиявий ёрдам кўрсатиш.

Марказда ишлаб чиқариш жараёнини кўрсатиш ва кўрғазма форматига ўтиш.

5-босқич

Жаҳон бозорининг экологик талабларидан келиб чиқиб, экологик тоза технологик жараёнларни жорий этиш, чиқиндиларни минималлаштириш ва оптималлаштириш, халқаро экологик стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Марказни **Халқаро туристик марказга** айлантириш.

6-босқич

Чармни қайта ишлаш соҳасида кластерлар ташкил этиш, корхоналар ва соҳа мутахассислари ўртасида тажриба алмашишни таъминлаш.

Чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган **инвесторларни мамлакатга жалб қилиш механизмини ишлаб чиқиш.**

2022-йилда табиий чарм маҳсулотларининг энг йирик импорт қилувчилари (Топ 10 та мамлакат)

	Улуши		Улуши
 АҚШ	21,9%	 Япония	4,7%
 Германия	7,2%	 Буюк Британия	4,1%
 Франция	6,5%	 Корея Республикаси	3,9%
 Хитой	5,9%	 Нидерландия	3,6%
 Италия	5,2%	 Испания	2,5%

2018-2022 йиллар давомида **БАА, Канада, Польша, Сингапур, Австралия, Исроил** ва **Мексика** чарм маҳсулотлари импортини сезиларли даражада оширган давлатлар қаторига кирди.

Ўзбекистон томонидан экспорт қилинадиган табиий чарм маҳсулотларининг ташқи бозорларда рақобатбардошлик даражаси динамикаси (RCA ҳисоб-китоблари асосида)

ТИФ ТН бўйича код	2018	2019	2020	2021	2022
42-гурух. Чарм буюмлари: эгар-жабдуқ маҳсулотлари ва юганлар; сафар учун анжомлар, сумкалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	0,02	0,04	0,06	0,14	0,16
6403 – Пойабзал таглиги резина, пластмасса, чарм ёки композицион чармдан ва устки қисми табиий чармдан бўлган пойабзал	0,04	0,06	0,14	0,23	0,18
640420 – Табиий ёки композицион чармдан бўлган тагликли пойабзал	1,14	10,13	7,00	0,75	0,60
640510 – Устки қисми табиий ва композицион чармдан бўлган пойабзал	0,33	3,44	3,78	10,44	21,81

Манба: UN COMTRADE маълумотлари асосида МХТИ ҳисоб-китоблари

 RCA>1

The logo for IMRS (Institute for Macroeconomic and Regional Studies) is displayed in white text on a red rectangular background.

Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти

Сурхондарё вилоятида фойдали қазилма конларини ўзлаштиришга инвестицияларни жалб этиш

Сурхондарё вилоятида фойдали қазилма конларини самарали ўзлаштириш

Сурхондарё вилоятида асосий турдаги тасдиқланган, лекин фойдаланилмаган хомашё захиралари бўйича маълумот таҳлил қилинди.

Фойдаланилмаган хомашё захиралари:

9,6 млн. тонна кўмир, 55,0 млн. тонна сланец рудалари, 38,6 млн. тонна минерал туз, 53,9 млн. куб м ғишт-черепица хомашёси, 109,7 млн. тонна шиша хомашёси, 5,3 млн куб м пардозбоп тошлар, 5,2 млн тонна оҳак ишлаб чиқариш учун оҳактош, 217 млн. тонна цемент хомашёси, 15,6 млн. куб м қум ва шағал аралашмаси, 18,9 млн. тонна гипс ва ангидрид, 9,7 млн. куб м йод ва бром ишлаб чиқариш учун ер ости сувлари ва бошқалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тоғ-кон саноати, геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш ва хусусий секторни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши билан 2024-2025 йилларда геология-қидирув ишларини жадаллаштириш ва фойдали қазилмаларнинг янги захираларини қидириш кўламини кенгайтиришга қаратилган мақсадли дастур тасдиқланди. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти ҳудудини комплекс геологик ўрганиш мақсадида 1-босқичда вазирлик тизим ости ташкилотларининг 40 нафар геолог, илмий ходим ва ишлаб чиқариш мутахассилари жалб этилди.

Вилоят бўйича кон ва участкалар аукционга чиқарилаёпти. 2024-йилнинг биринчи ярмида Вилоят ҳокимлиги билан биргаликда талаб юқори бўлган 28 та норуда кон ва участкалар аукцион савдоларига қўйилди.

Масалан, **Шеробод** туманида жойлашган “Хўжаи-кон” калий тузлари кони (захираси 38,6 млн. тонна) ўзлаштириш учун Хитойнинг СС7 ва маҳаллий Неокалий компаниялари томонидан жами 650 (400 ва 250) млн. АҚШ доллардан ортиқ инвестиция киритилмоқда. Лойиҳа қуввати йилига мос равишда 600 ва 200 минг тонна калий тузларини ишлаб чиқаришни ташкил этади.


Сариосиё туманида “Кичик саноат зонаси”ни ривожлантириш, тегишли фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва уларни дастлабки тайёрлашни ташкил этиш, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган замонавий қурилиш материаллари ва буюмлари, жумладан, табиий тошлардан ясалган пардозлаш плиталари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилиши натижасида 20 минг тонна гипс тоши ва 2 минг тонна оҳак; 2 минг тонна қуруқ пардозлаш қоришмалари ва бошқа бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган.

Жарқўрғонда “Сурхонцементинвест” ХК негизида кластер шаклида кичик бизнес субъектларини жалб қилган ҳолда, цементдан қурилиш саноати учун юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича цемент ишлаб чиқаришни 360 минг тоннадан 750 минг тоннагача кенгайтириш; 20 минг тонна қуруқ қурилиш қоришмалари; 10 минг тн темир-бетон ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Мультипликатив таъсир. Қурилиш материаллари, конструкциялари ва маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши капитал қурилиш, шу жумладан уй-жой барпо этиш, муҳандислик ва ижтимоий инфратузилма, хизмат кўрсатиш ва чакана савдо объектларини ривожлантириш, чекка ҳудудларда янги доимий иш ўринларини яратиш билан рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Сурхондарё вилоятида фойдали қазилма конларини ўзлаштиришга инвестицияларни жалб этиш

Фойдаланилмаган асосий турдаги хомашё захиралари ҳақида туманлар кесимидаги МАЪЛУМОТ



Кўмир (млн. тонна) **9,6**

Сланец рудалари (млн. тонна) **55,0**

Минерал туз (млн. тонна) **38,6**

Табиий пардозбоп тошлар (млн.куб.м) **5,3**

Ғишт-черепица хомашёси (млн.куб.м) **53,9**

Оҳак ишлаб чиқариш учун оҳактош (млн.тонна) **5,2**

Цемент хомашёси (млн. тонна) **217,0**

Йод ва бром ишлаб чиқариш учун ерости сувлари (млн. куб метр) **9,7**

Қум-шағал аралашмаси (млн.куб.м) **15,6**

Гипс ва ангидрид (млн.тонна) **18,9**

Сурхондарё вилоятида фойдали қазилма конларини ўзлаштиришга инвестицияларни жалб этиш

Минерал ресурслар хомашёси асосида қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг технологик занжири НАМУНАСИ



Сурхондарё вилоятида фойдали қазилма конларини ўзлаштиришга инвестицияларни жалб этиш

Сурхондарё вилоятида фойдаланилмаган асосий турдаги тасдиқланган хомашё захиралари бўйича МАЪЛУМОТ

Асосий турдаги тасдиқланган хом ашё захиралари

	Шиша хомашёси	109,7 млн.тн.
	Цемент хомашёси	217,0 млн.тн.
	Сланец рудалари	55,0 млн.тн.
	Керамзит хомашёси	54,5 млн.куб.м
	Ғишт-черепица хомашёси	53,9 млн.куб.м
	Минерал туз	38,6 млн.тн.

Вилоятида асосий турдаги тасдиқланган хомашё захиралари мавжуд бўлсада, минерал-хомашё комплексининг ЯҲМдаги улуши (1,5%) паст бўлган ҳудудлар гуруҳидан жой олган.

2023-йилда вилоят бўйича 33 та кон ва участкалар аукционга чиқарилди.

2024-йилда ўзлаштириш учун яна 11 та норуда ва 4 та кўмир кони аукционга чиқарилди.

Вилоят ҳудудини комплекс геологик ўрганиш мақсадида 1-босқичда 40 нафар геолог, илмий ходим ва ишлаб чиқариш мутахассислари жалб этилди.

Сурхондарё вилоятида фойдали қазилма конларини ўзлаштиришга инвестицияларни жалб этиш

Сурхондарё вилоятида фойдаланилмаган хомашё захираларини қайта ишлаш бўйича МАЪЛУМОТ

Асосий лойиҳалар

Сариосиё туманида “Кичик саноат зонаси”да тегишли фойдали қазилмаларни қазиб олиш, дастлабки тайёрлашни ташкил этиш, экспортга йўналтирилган замонавий қурилиш материаллари ва буюмлари, жумладан, табиий тошлардан ясалган пардозлаш плиталари ишлаб чиқариш.

Жарқўрғон туманида “Сурхонцементинвест” ХК негизида кластер шаклида кичик бизнес субъектларини жалб қилган ҳолда, цементдан қурилиш саноати ва қурилиш учун юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Шеробод цемент заводи негизида кластер шаклида кичик бизнес субъектларини жалб қилган ҳолда, цементдан қурилиш саноати ва қурилиш учун юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

“Хўжайи-кон” калий тузлари (захираси 220 млн. тонна) конини ўзлаштиришга қаратилган лойиҳаолди ишлари олиб борилмоқда.

Кутилаётган натижалар

- ✓ 20 минг тн гипс тоши ва 2 минг тн оҳак;
- ✓ 2 минг тн қуруқ пардозлаш қоришмалари;
- ✓ 10 минг куб.м газобетон;
- ✓ 30 минг кв.м мрамар плиталар;
- ✓ 5 млн. кв.м гипсокартон

- ✓ цемент ишлаб чиқаришни 360 минг тн.дан 750 минг тн.гача кенгайтириш;
- ✓ 20 минг тн. қуруқ қурилиш қоришмалари;
- ✓ 10 минг тн. темирбетон маҳсулотлари;
- ✓ 10 минг тн. оҳак ишлаб чиқариш.

- ✓ 10 минг. куб.м бетон;
- ✓ 5 минг тн қуруқ қурилиш қоришмалари;
- ✓ 10 минг тн. темирбетон маҳсулотлари;
- ✓ 15 минг дона цементбетон блоклари

- ✓ 2 та ишлаб чиқариш лойиҳасининг қуввати йилига мос равишда 600 ва 200 минг тонна калий тузини ташкил қилади.